

7302  
14  
8-58

**Сарвар Қодиров**

**БИЛИМ, ИЛМ,  
АХЛОҚ**



430.2  
14  
5-58

**Сарвар Қодиров**

# "Билим, илм, ахлоқ"

Fizika fakulteti  
KUTUBXONASI

**Муаллиф ушбу китобида ёшларимизни илм сир-  
синаотларини чуқур ўрганишга ва ахлоқий нормаларни пухта  
эгаллашга даъват этади.**

**Миллатпарварлик ва ватанпарварлик каби олий  
туйғуларни талабаларнинг онги ва қалбига сингдириш,  
шунингдек, илм ўрганиш фойдалари, она тилининг жиловлари  
қаламга олинган. Асар кенг китобхоналар оmmasига  
мўljжалланган.**

Масъул муҳаррир: С. Шермухамедов, академик  
Тақризчи: Содирхон Эркинов, филология  
фанлари доктори, профессор  
Махсус муҳаррирлар: Э. Комилов, Н. Жўрабоев, Ш. Қорасв.  
Матн терувчи: З. Кошасва

## МУАЛЛИФДАН

Азиз талаба-ёшлар! Абдулла ибн Муборакдан нақл қилишларича, инсон илм билан шарафлидир. Ушбу рисолани ёзишдан мақсад сизни илм гулшанига ошно этиш, қалбингизга билимга рағбат уруғларини сочишдир. Ҳаззолий жасаднинг озиғи таом бўлганидек, қалбнинг озиғи ва ҳаёт манбаи илмдир, дейди. Кимки, илмдан узоқ бўлса, унинг қалби касалдир, у қалб молу дунё денгизига чўкиб, ўлиб бўлгандир. Унинг энг катта фожиаси, илм—қалб ибодати эканлигини унутганлигидадир.

Илм — бебаҳо хазина. Сен бирор-бир фанга умрингни бағишлаб, "ширин" машаққатлар билан уни тадқиқ этсанг, ўзинг учун олий ҳақиқатларни кашф этасан. Чоҳёрлардан Али ибн Абу Толиб айтганидек, илм молу мулкдан яхшидир, у сени муҳофаза қилади, молни эса сен кўриқлайсан. "Илм ҳоким, молу мулк маҳкумдир". Мол камайиб боради, илм изланганинг сари кўпайиб боради. Албатта, "Илм ўрган, зеро у камбағалликда бойлик, бадавлатликда зийнатдир". Илм орқали яшаш мазмунини англабгина қолмай, ҳаётда қадр-қиммат, обрў-эътибор топилади. Қолаверса, дунёдаги энг катта компанияларнинг директорлари илм соҳибларидир. Зеро, улар бу даражага илм пиллапоялари орқали кўтарилгандирлар. Луқмони Ҳаким ўғлига насиҳат қиларкан, "Эй фарзанд илм этагидан тут, олимлар билан ўтир", — дейди.

Муҳтарам китобхон! Одамзодга энг олий мартаба абадиятга дахлдорликдир. Лекин унга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Барҳаётликка илм ва амал олиб боради. Илм ва ҳикмат ақл билан идрок қилинади.

Ҳурматли ўқувчи! Сизнинг истиқбол эшикларингизни очувчи илмдир. Китобда илм билан бирга ахлоқ-одоб, ҳуқуқий маданият, сиҳат-саломатлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, китобсеварлик, она тили мавзулари ҳақида ҳам сўз юритилади. Ҳамма мавзулар илмий камолот билан чамбарчас боғланиб кетади.

Илм гулшанига ҳуш келибсиз. Ундаги бирон-бир фикр сиз учун илм "ўзани"га йўналишга туртки бўлса, мен ўзимни бахтиёр ҳисоблардим.



## ИЛМ ИЗЛАНГ

*"Фақат бир эзгулик бор — билим,  
фақат бир ёмонлик бор — жаҳолат"*  
Сукрот

\* \* \*

*Ёшликда ўрганган  
илм— тошга ўйилган нақидир*

\* \* \*

*"Илм эгалланг! Илм — сахрода дўст, ҳаёт йўлларида  
— таянч, ёлғизлик дамларида — йўлдош, бахтиёр  
дақиқаларда — раҳбар, қайғули онларда — ҳамдард, одамлар  
орасида — зебу-зийнат, душманларга қарши курашда —  
қуролдир".*

*Ҳадисдан*

Илм эгалланг! Фақат дарсларга қатнашиш ёки зарур фандан адабиёт ўқиб, баҳо олиб, уйга шошилманг. Сиз бирон фанни ота-она ёки кимнингдир қистови билан ўрганманг. Қизиқиш ва истак бўлмаса, "зўраки ўрганиш" тезда эсдан чиқади. "Билим—қайтариш ва такрорлаш, ўз устида ишлаш мевасидир". Баъзан ҳайрон қоламан. Сиз баъзи ҳолларда фақат сессия пайтида ўқийсиз. Ва ҳар гал қийналиб баҳо олсангиз, "кейинги семестр зўр ўқийман" —деб сўз берасиз. Наҳотки, фанларни ўзлаштириш ва ўзини "илм оғушига" уриш шунчалик қийин бўлса?! Ахир ўзингиз илм олиш учун аҳд қилиб, ўқишга киргансиз-ку! Ҳойнаҳой, ўзингизга ва ота-онангизга берган ваъдангиз ҳам эсингиздан кўтарилгандир.

Илм эгалланг! Етук педагог, олим ва ўзингиз танлаган соҳанинг салоҳиятли вакили бўлиб етишасиз. Акс ҳолда, кичик бир аризада хато билан ёзадиган, институтда ўқиган бўлсангиз-да, билимсизлигингизча қолаверасиз. Айрим талабаларга қайта-қайта савол бермоқчиман. Сиз илм олишга қизиқмасангиз, унда нега олий билим даргоҳини танладингиз? Унинг остонасига қадам қўйдингиз, талаба

бўлдингиз? Ҳа, борингки, дипломга ҳам эга бўлдингиз дейлик, наҳотки тушунмасангиз, у бор-йўғи икки бетлик қоғоз, у сизнинг билимингиз ва укувингизсиз бир пулга қиммат. Аслида, энг арзирли ва ноёб диплом — бу сизнинг билимингиз. Бозор иқтисоди шароитида энг кераклиги — билим. Фурсатни бой берманг! Яхши бир устознинг этагини тутинг. Илмий изланишларда ўзингизни синаб кўринг. Кутубхона — қироатхоналарда китоб ўқинг. Қийинчиликлардан кўрқманг. Чумчуқдан кўрққан, тарик экмайди. "Илм бир чирокдирки, сизни роҳат ва фароғатта зиён-заҳматсиз етказди". Кам ухланг, бедор тунларингиз илму-маърифатга ошно этади. Ўз соҳангизни қанча чуқур ва пухта билсангиз, сиз ҳеч кимга мутеъ ва тили қисик бўлмайсиз. Лекин, илмий янгиликлардан (интернет хизматингизда бўлса ҳам) узилиб қолсангиз тажрибангиз, илмий тафаккурингиз ҳам эскиради, бор илмингиз эса сийқалашиб, илмга бўлган иштиёқ сусайиб боради.

Илм эгалланг! Вақтингизни режалаштиринг. "Ёшлиқда ўйнаб қолиш керак,"—дея уни ҳавога совурсангиз, фурсат ўтгач, тилингизни тишлаб қолишингиз мумкин. Лоқайдлик қилиб узоқ ухласангиз ёки узун тунлар вақтни "фойдали" ўтказиш учун кўчама-кўча санғиш, кези келганда жонингизга оро кирмайди. "Ётиб есанг, тоғ ҳам тугайди" дейишади. Ота-онангизнинг қўлига қараб, "беқиёс имкониятдан фойдаланиб" ёки "беминнат булоқ"дан сув ичиб ётаверсангиз, бир кун келиб бу "имтиёзларингиз" тугайди, яъни ҳар бир нарсанинг охири бор. Энг ёмони соғ бўла туриб, институтда ўқиб туриб, илм ўрганишдан бўйин товлаш. Ҳар бир нарса сизнинг ўзингизга боғлиқ. Қўлингизга илм отлиқ бахт қуши қўниб турибди-ю, уни тутмасдан учуриб юбориш, бу кечириб бўлмас подонлик. Мақоллардан бирида, "Илм кўкка етказар" дейилади. Сиз ҳаётда ўз ўрнингизни топмоқчи бўлсангиз, унда отни қамчиланг, илм эгалланг. Ҳа, майли сиз томонга ҳам ён босдик, дейлик. Менинг бир саволимга жавоб беринг. Ўқимасдан, илм эгалламасдан, онгни, маънавий оламингизни бойитмасдан туриб, эртанги кунда қандай яшамоқчисиз? Борингки, "казо-казо"лардан бирининг боласи бўлганингиз учун "мойли" бир жойга жойлашдингиз дейлик, кунингиз ўтмоқда-ю, бироқ оддий нарсаларни

тушунмайсиз, билиш учун ёки икки энли чет тилида хат ёзиш учун кимларгадир саргайиб, ялиниб ёлворасиз. Чунки сиз ҳам маънан, ҳам илман камбағалсиз. Худо кўрсатмасин, корхонага ҳалол ва истеъдодли бошлиқ келиб қолса, юз-хотирчиликни йиғиштириб қўяди-да, сизнинг "ишнинг кўзини билмаслигингиз", топшириқни қойиллата олмаслигингизни ҳисобга олиб, ўрнингизга истеъдодли мутахассисни олиб келиб қўяди. Ҳолингиз не кечганини шунда биласиз. Бошингизни деворга урганингиз билан фойдаси йўқ. Афсус-надоматлар чиқора. "Вақт поезди" эса жилиб бўлган бўлади.

Шундай экан азиз талабалар эртангизни ўйланг, илм эгалланг. Сизни тушунаман. "Нима қилсам экан?", — дея бошингиз қотади. Аммо, ҳар қалай ҳали ҳам отни қамчилашга вақтингиз бор. Бу имконият ҳам ғанимат. Югуринг, маънавий устозингиздан маслаҳат олинг. Тинимсиз китоб ўқинг, билмаганларингизни сўраб ўрганинг. Мустақкам билим олиш йўлида домлаларингизни ҳоли жонига қўйманг.

### Мустақил ўрганиш усули

Қолаверса тажрибадан маълумки, инсон мустақил ўрганиш орқали ҳам кўп нарсага эришган. Абу Али ибн Сино илм чўққиларига мустақил ўқиб ўрганиш йўли билан стиб боргани тўғрисида жумладан шундай дейди:

— "Ўн ёшимда Қуръонни ўргандим, бадий адабиётларни ўқиб чиқдим. Кейин мантиқ илмига оид китобларни мутолаа қилиб, мустақил равишда бу илмнинг нозик қирраларини ўзлаштира бордим. Шундан сўнг тиббиёт илмига мурожаат қилиб, кўплаб китобларни ўқишга тутиндим. Қисқа вақт ичида менинг тиббиёт соҳасидаги билимларим ва даволаш санъатим шундай сарҳадларга етдики, ўша даврнинг энг ҳурматли ҳакимлари менинг хузуримга маслаҳат сўраб кела бошладилар. Мен ҳақимлик амалиёти билан шуғулландим ва ниҳоят менга инсонларни даволаш илмининг дарвозалари кенг очилди. Бу вақтда эндигина 16 ёшга тўлгандим. Ана шу ёшимда тунлари уйку, кундузлари ҳаловат нелигини билмай, фақат илм билан машғул бўлдим, ўз билимларимни мустақкамлаш ва илм йўлида олға боришга ҳаракат қилиб, тер тўкдим".

Илм эгалланг! Ўқинг, ўрганинг ва униб-ўсинг.

Алп ўғлонлар ўлкаси — бу кўҳна Турон,  
Қалқонлари, қанотлари илм истанг.  
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон  
Алишернинг авлодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,  
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.  
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари.  
Бобо Машраб баётлари илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,  
Ихлосингиз, шахдингиздан шиддат ёғсин.  
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин,  
Мулки Турон нажотлари илм истанг.

(Муҳаммад Юсуф)

### Қирқ фарздан бири

Илм олиш муқаддас динимизнинг қирқ фарздан биридир. Қуръони Каримда "илм" сўзи асосида "алима" (билмоқ) феъли негизига таянган калималар 750 марта учрайди, бу ўзак фақат "Аллоҳ", "Рабб" (Парвардигор маъносида), "бўлмоқ" ва "тапирмоқ" каби энг кўп ишлатилган ўзак сўзлардан кейин бешинчи ўринда турар экан.

Расулulloҳга илк нозил бўлган 5 оят ҳозирги Қуръони Карим матни "Алоқ" сурасининг биринчи оятлари бўлиб, шундай бошланади: *"Икраъ би-исми Роббикал-лази халоқ!"* ("Яраган Раббинг номи билан ўқи!") орада бир оят ўтиб, яна "ўқи!" сўзи қайтарилади: *"Икраъ ва роббукал акрам, аллази аллама бил қалам. Алла мал инсана ма лам ялам".* ("Ўқи! Сенинг ўта қарамли Парвардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларни ўргатди").

Ислом эътиқоди инсонни ўқиб-ўрганишга, илм билан дунёни англаб етишга тарғиб қилади. Америка олими Франц Роузентал ўзининг "Илм тантанаси" (Knowledge Triumphant) деб номланган китобида, илм ва ислом тушунчаларининг бир-бирига қанчалик туташ эканлигини батафсил исбот қилиб берган. Қолаверса, одам сўзи ҳам олим демакдир. "Ҳадис ва ҳаёт" китобининг учинчи жузида илмга қуйидаги таъриф берилади: "Илм сўзи лугатда бирор нарсани, воқеъликдагидек идрок этишни билдиради. Шаръий истилоҳда эса, "маънавий ишларда нарсаларни тескариси йўқ даражада аниқ билиш сифати "илм"



дейилади. Куръони Каримда илм ва уламолар энг олий мақомга кўйилган. Абу Дардо (р.а)дан ривоят қилинган ҳадисда ҳам бунни яққол кўришимиз мумкин.

"У киши Пайғамбар (с.а.в)нинг "Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотларини қўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиффор айтади. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар Пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. «Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди» деганларини эшитдим, дейди.

### Саодат йўли — билим билан

Юсуф Хос Ҳожиб "Кутадғу билик"да: "Илм истанг, олам яхшиликларининг ҳаммасига сабаб билимдир", дейди. Билим билан ҳатто кўкка бўйласа бўлади. Шунинг учун қаерда билим бор экан, сен ўзингни ўша ерга ёндаштир, ундан баҳра ол. Билим ёт-бегонани ҳам, ўз кишиларингни ҳам улуғлайди:

Яшил кўкдан инди бу сўз ерга сўз,  
Сўз билан инсонда ёруғ бўлди, кўз.  
Киши кўнгли гўё туби йўқ денгиз,  
Билим бор тубида, у инжу тенгсиз.

Агар ана шу инжулар денгиз тубида қоладиган бўлса, буларнинг тош ёки инжу эканлигини қандай фарқлайсан. Шунингдек, билимларга тўлиб-тошган сўзлар киши қалбининг туб-тубида чўкиб ётар экан, бу сўзларнинг қадр-қимматини ҳам англаш мумкин эмас. Ахир ер остидан қазиб чиқарилган соф олтин, гавҳар-у, зумрад тошлар киши бошига безак бўлади-ку! Билим ҳам шундай.

Билимли билимин қилмаса баён,  
Билими ёришмас ўтса ҳам замон.

(Юсуф Хос Ҳожиб)

ёки:

Хунарни асрабон нетгумдир охир,  
Олиб туфроққами кетгумдир охир.

(А.Навоий)

"Одамзод ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ билим сари, ўрганиш сари интилган. Бугун ҳам, бундан жуда кўплаб замонлар илгари ҳам билимлига буюкроқ ўрин теккан. Уларнинг жойи—уйнинг тўри"— дейди мутафаккир.

Илм истанг. Улуғ аждодларингиздан ибрат олинг. Биласизми, нега Аҳмад Югнакий номига "Адиб" сўзи қўшиб айтилади? Чунки, у ўзини шоир эмас, балки адаб ёки одоб илми намоёндаси деб билган. Унинг "Ҳибат-ул ҳақойиқ" достони ҳам туркий элатларга исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга мўлжалланган. Буниндаги боблар сарлавҳаларидан ҳам англаш мумкин. Биринчи боб — "Илм манфаати ва жаҳолатнинг зарари ҳақида" деб аталган. Достон матни орасида Пайгамбаримиз (с.а.в)нинг "Илм Чин эли (яъни Хитой)да бўлса ҳам, бориб ўрганинг!" деган ҳадислари келтирилган ва ушбу фикр туркий тўртликлар шаклида шарҳланган. "Саодат йўли билим билан билинади"—дейди адиб. У билим эгаси бўлган аёл кишини эрлар қаторида кўради, билимсиз эркак эса аёлманддир.

Аҳмад Югнакий фикрича, билим эгаси вафот этганда ҳам, унинг номи боқий қолади, аммо билимсиз тиригида ҳам ўлик кабирдир. Албатта, Расулulloҳ (с.а.в) ҳадисларида айтилади: "Тангри ҳеч қачон жоҳилларни азиз қилган эмас". Илм қадрига фақат маърифатли одам етади, нодонга эса насиҳат беҳуда. Аҳмад Югнакийнинг фикрича, билим туганмас бойлиқдир, у фақат кишини бой этади, илм аҳлини ҳамма олқишлайди.

Илм истанг. Қуйидаги ривоят сизга йўлдош бўлсин.

### **Илм келмайди, унга борилади**

Имом ал-Бухорий сафардан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Кўпчилик уни хурмат қилган, аммо баъзи ҳасадгўй, қора ниятли кишилар ал-Бухорийни кўролмас эдилар. Натижада ҳасадгўйларнинг хатги-ҳаракати туфайли Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухайл билан ал-Бухорийнинг алоқаси бузилиб қолади. Бунга сабаб, амир олимдан ҳузурига келиб "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ", "Ат-таърих" китобларини ўқиб беришни талаб қилади. Лекин ал-Бухорий "Мен илмни хор қилиб, қадрига

етмаганлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин. Лекин Аллоҳ охираат кунни илмни яширмай уни талабаларга сарф қилганим учун мени кечиради" — деган жавобни айтади. Билингки, илм келмайди, унга борилади. Амирга жавоб ёқмай, фитначи, бўҳтонкор шахсларнинг гапига кириб, ал-Бухорийга шахарни тарк этишни буюради. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бирмунча муддат Хартанг қишлоғида ўз шоғирдлари ва қариндош-уруғлариникида яшагандан кейин оғир касалга чалиниб, вафот этади. Адолатсизлик қурбони бўлади.

Президентимизнинг раҳнамолигида Хартанг қишлоғида Имом Бухорий мажмуаси қурилди. У зиёратгоҳга айланди.

Илм истанг. Мутафаккирлар ҳикмати сизга тўғри йўлни кўрсатади дейдилар. "Маънавий жиҳатдан улғаймоқчи бўлсанг, мартабангни юқори кўтаришни истасанг, жаҳоннинг улуғларига яқинлашишни хоҳласанг илм ўрган, ақлу идрокингни такомиллашгир" — дейди аллома Носир Хисрав. Чунки бу фазилатлар инсонни улуғлик поғонасига кўтаради, илмдилар маънавий жиҳатдан уч турга — пайғамбарлар, авлиёлар ва ҳакиму донолар (олимлар) га бўлинади. Илму ақл одамни ҳақиқий инсон рутбасига эриштира, нодонлик эса уни одамийликдан чиқаради.

Мутафаккир илм ўрганишгагина эмас, уни тарғиб, ташвиқ қилишга, яъни уни талабаларга, қидирувчиларга етказиш кераклигига урғу беради:

«Ўзингни илм бирла безатгил, фақат кимхоб кийган эмасдир гўзал» — дейди Носир Хисрав. Илм жон ичидаги гавҳардир.

**Ақл билгин, ҳамма гавҳарлар аро,  
Илмдан афзалроқ кимё йўқ асло.**

Носир Хисравнинг фикрича, киши дилига таскин бергувчи, уни бу дунёда шоду хуррам қилгувчи ҳам илмдир.

**Агар хуррамлик истарсен, сўроқла илм ила ҳикмат,  
Ўшанда илму донишдин олурсан мевайи ҳожат.**

Унинг "илм" тушунчаси фақат диний илмлар билан чегараланиб қолмай, балки бутун дунёвий билимларни ўз ичига олади. Аллома фикрича, кишилар орасида ақлдилари ақлий лаззатга интилади ("Зод ул-мусофирин" китобидан).

## Билим такрорлаш ва қайтариш меваси

Илм истанг. Учқур вақтдан унумли фойдаланинг. "Ҳар оннинг баҳосин ўлчамоқ учун, олгиндан тарози, олмосдан тош кераклигини англаг".

Хўш, шундай экан, бўш вақтлардан самарали фойдалана олаяпсизми-йўқми? Бунинг учун сизга кимлар ёки нималар халақит берапти? Маърузалар эшитиш ҳамда керакли бўлган дарсларни тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак?

Гўёки, сиз учун ҳамма нарса ўз жойидагидек туюлади, дарсларни ўзлаштириш ҳам. Ўқийсиз ва имтиҳондан ўтиб баҳо оласиз. Лекин маълум вақт ўтгач секин-аста ўзлаштирган билимлар эсдан чиқа бошлайди.

Беруний, "билим—такрорлаш, қайтариш меваси" дейди. У ҳақ. Олинган билимларни мияга яхшилаб жойламоқ керак. Масалан, 1-курс талабаларидан, яъни ўрта мактабда аъло баҳога ўқиб келган талабаларга физика, кимё, математика фанларидан оддий саволлар берсангиз, аниқ жавоб ололмайсиз, чунки яхши эсда қолмаган. Маълумки, ҳозирги баъзи ёшларимиз, ўзларича бир ўқ билан икки қуённи уриш мақсадида дарс тайёрлаётган вақтларида радио, телевизорни қўйиб эшитадилар бошқа яна бирор юмуш билан шуғулланадилар. Маълумки, улар орқали келаётган сигналлар бир нечта бўлиб, бош миядаги бир қанча марказлар бир йўла ишга тушади ва миянинг қабул қилиш фаолияти сусаяди. Шунинг учун доимо ёдингизда тутинг: домла маъруза қилаётган вақтида, дарс тайёрлаётганингизда, билим олаётганингизда бошқа бирор иш билан шуғулланманг. Ҳар қандай ташқи, чалғитувчи таассуротларга назар ташламанг, эшитманг ҳамда кўзингизнинг қирини ҳам ташламанг. Эътибор берманг. Ана шундагина Ушинскийнинг "доминанта" назариясига амал қилган бўласиз, яъни ушбу назария бўйича ҳамма эътибор бир нуқтага қаратилган бўлади. Ана шундагина ёдлашингиз, ҳар бир нарса мазмунини тушунишингиз осон бўлади. Шунингдек, яна бирор ахборотни ёдлаётганингизда, албатта унинг мазмунини бир неча бор такрорлаб, тўғри таҳлил (анализ-синтез) қилиб, мияга жойлаштира олгач, такрорланг.

## Ахлоқ — сизнинг зийнатингиз

Дарс давомида илм ўрганасиз. Илм олаётганингизда эса одобсизлик қилманг. Хўш, бу камчиликлар ва қусурлар нималардан иборат?

1. Дарсга кечикиб келиш. 2. Дарсдан ҳар хил баҳоналар билан ташқарига чиқиб келиш учун рухсат сўраш (деканатга, "Камолот"га ва б.қ). 3. Бошқа дарслар билан шуғулланиш, сақич чайнаш. 4. Уяли телефонни ишга солиш ва мусиқа чалдириш. 5. Гаплашиб ўтириш ва бировларни чалғитиш. 6. Қаттиқ гапириш. 7. Хуштак чалиш (маърузада). 8. Бир-бири устидан кулиш. 9. Дарсга алоқаси бўлмаган нарсалардан гаплашиш. 10. Бемани гап гапириш ёки домла гапираётганида луқма ташлаш ва ноўрин савол бериш. 11. Столга кўл билан уриш. 12. Портага ёзиш ва чизиш. 13. Қаттиқ кулиш. 14. Дарс вақтида ўрнидан туриш ва бошқа жойга кўчиш. 15. Домлага ҳалақит бериш. 16. Қоғозни буклаб олиш. 17. Дарс вақти тугамасдан аввал, дарс тугади деб домлани чалғитиш. 18. Яхши ўқийдиган болаларни йўлдан уришик (таъйиқ ўтказиш). Танаффус вақтида стендларга чизиш, девордаги расмларни йиртиш ва олиб ташлаш, ўғирлаб кетиш. Бу нуқсонлар сизнинг юзингизни қизартиришдан бошқа нарсага ярамайди. Фурсат фанимат, ўзингизга четдан разм солинг, ахлоқингизни тузатинг. Бу гаплар ўз эгасига тегишли.

## Илмни офатлардан асранг!

Илм истанг. Имом Зарнужий таъбири билан айтганда, умрнинг ёшлик бекатидаги ҳар бир кунни талаба фанимат билмоғи керак. Кўп уклашдан узоқлаш, чунки кўп уйқу кони зиёнدير. Таомни тўйиб-тўйиб ейишдан сақлан. Қорин тўқ бўлса, киши ишқмас, дангаса бўлиб қолади. Асалнинг ҳам ози ширин.

Имоми Абзам шоғирди Абу Юсуфга насиҳатида: "Сен ўз устингда ишласанг, дангасалик ва ландовурлик ботқоғидан қутулсан", деб таъкидлайди. Дангасалик, эринчоқлик ва такасалтанглик илм офатидир. Шу ўринда Ҳазрат Али (р.а.)нинг қуйидаги фикрлари диққатимизни тортади. "Молу дунё тез фурсатларда йўқ ва ном-нишонсиз бўлур, илм эса боқий қолади... Зеро илм фазилятлари билан абадий бир ҳаётдир".

Бурҳониддин Марғиновий таъбири билан айтганда, жоҳилу гофиллар ҳаёт бўлсалар-да, ўликдирлар, олимлар ҳаётдан ўтсалар ҳам тирикдирлар. Чунки, олим ҳаётлигида ўз илми билан барҳаёт, ўлмас умр қуриб бўлади. Илм-нур: у ўз соҳибини маънавий кўрликдан қутқариб, ҳидоятга бошлайди.

Зарнужий "дангасалик ва боқимандалик гоҳо оғиз ва томоқда намнинг кўплигидан туғилади, дейди. Туфук ва балғамни камайтириш учун таомни меъёрида истеъмол қилиш керак. Билимнинг эсдан чиқиши ва зеҳннинг сусайиши балғамнинг кўплигидандир. Кўп балғам кўп сув ичишдан пайдо бўлади, сув ичишга талаб кўп таом ейишдан пайдо бўлади".

Илмнинг офатига сигарет чекиш ва ичишни ҳам киргазиш зарур. Афсуски, буни билсангиз ҳам кўпчилигингиз сигарет тутатасиз ва кайф-сафо қиласиз. Нима фойдаси бор? — дейман ўзимга ўзим. Сиз эса, чекиш ва ичиш орқали оз-моз ғамни унутишингиз, бош оғриқни босишингиз, уни тиш оғриғига даволигини, хумори тутиб қолганлигини айтиб турли баҳоналар қидирасиз. Назаримда, чекиш ва ичиш "этагини тутиш" иродасизликдан бўлса, яна бир томондан чўнтагингизга, иккинчи томондан соғлигингизга "ўт тушади". Чекиш ва ичишдан кўлингизни ювиб, кўлтигингизга уринг. Иродали бўлинг. Ирода — инсоннинг муайян мақсад танлай билиш ва унга эришиш учун ўзида истаганча ички қувват ва ташқи имкон топиш қобилиятидир. Ирода ақлдан ва ҳиссиётдан шуниси билан фарқ қиладики, унинг учун мақсадга нисбатан "мен хоҳлайман" қабилидаги кечинмалар эмас, балки "керак" ёки "шундай қилишим шарт" каби ички ботиний ва зоҳирий куч устунлик қилади. Сиз чекиш ва ичишни чин дилдан ташлашни истасангиз ва бунга киришсангиз, ўйлайманки мақсадингизга эришасиз. Бу демак, илм гулшанига қайтиб келдингиз.

### **Илм афзалми ё одоб?**

Илм истанг. Бутун диққатни илму фанни ўзлаштиришга қаратинг. Устоз-мутафаккир Умар аз-Замахшарийнинг мана бу фикрлари айнан сизга қаратилган. "Сабоқни ёд олишга имкон берадиган, икки мартаба такрор қилиб

олиш мумкин бўладиган миқдорда қабул қила бошласангиз, уни пухта ўзлаштиришга эришасиз. Демак, сабоқнинг миқдори ёд олишга етарли, такрорлашга қулай бўлиши айтилиши мумкин. Хотирани зўриқтирмай, даражама-даража илмни қабул қилишни кўпайтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Талаба устоздан таълим олаётганда, чуқур ўй билан фикр юритиб, ҳар бир мулоҳазани тушуниб борсин. Зеро сабоқ оз бўлиб, уни такрори, тафаккур ва фаҳми кўпайса, у идрок қилинади. Зинҳор-базинҳор дафтارينгизга тушунмайдиган жумлаларни ёзманг. Фақат тушунганларингизни қоғозга туширинг. Бу ҳам билимни мустаҳкамлашга ёрдам беради".

Қавомуддин ас-Сигорий таъбири билан айтганда, "илмга хизмат кўп фойда берувчи хизмат бўлсин. Дарсларга тиришқоқ бўл, жиддий ёндаш, бардавом бўл! Агар бирор фойдани ёдласанг, уни такрор қилгил! Сўнг уни аниқлаб, қайд қилиб кўйгин! Шунда хоҳлаган вақтингда ёдингга олишга имкон яратасан. Қайд қилиш билан ҳар қачон бу сабоқни яна қайта-қайта олурсан ва йўқотишдан омон қолурсан".

Маърузаларни ёдда қолишида қизгин баҳс-мунозара усули самаралидир.

Ҳазрат Абу Юсуфдан сўрашибди:

— Юксак илмга қандай эришдингиз?

У жавоб берибди:

— Фойда талаб этишдан ва фойда беришдан зинҳор тўхтамадим, бахиллик қилмадим.

Ёки Ибн Аббосга ҳам худди шундай савол беришганда, у оғиз жуфтлабди.

— Чарчамайдиган саволли тил ҳамда эшитганини сақловчи қалб билан эришдим, — деган экан.

Ўқитувчи маърузасини тинглашда, донишмандлар қуйидаги беш тамойилдан фойдаланишни тавсия этишди.

- каломни айтилган вақтига аҳамият бер;
- гапнинг сабабига назар сол;
- гапнинг "кайфияти"га эътибор бер;
- жумлаларнинг маъноларини чак;
- гапнинг айтилаётган жойига диққат бер.

Зарнужий "Сабоқ вақтида шогирднинг устозига жуда яқин ўтириши яхши эмаслигини, масофа бир камон узунлигича бўлиши лозимлигини уқтиради. Азиз талаба! Ўзингизни сара ахлоқий фазилатлар билан зийнатланг.

Донишманддан сўрашибди:

— Илм афзалми ёки одоб?

Ул зот жавоб берибди:

— Энг аввало одоб афзал.

Дарҳақиқат, гўзал хулқ ва одоб ҳар қандай илму маърифат соҳибининг зийнатиدير.

Илм истанг! Кимки, илм лаззатини, унинг ҳаловатини изласа ва амал қилиш мазасию-роҳатини топса, бу дунёда молу дунёга кам рағбат сезади, қизиқмайди, бойлик кетидан қувмайди, таъма қилмайди. Ҳаёт ҳақиқати ва умр лаззатини илмдан топади.

\*\*\*

Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

(Ҳадисдан)

\*\*\*

*Анбар Отин:*

Жаҳон равшан зиёи илмдандир,

Кўнгил софи сафойи илмдандир.

\*\*\*

*Фаридиддин Аттор:*

Кимда бўлса донишу, ақлу, тамаз,

Илм ила ҳилм ақлини тутган азиз.

Сен хатолардан ўзингни тут узоқ,

Эй ўғил! Оқил эсанг солгил кулоқ!

\*\*\*

*Навоий:*

Бировким қилса олимларга таъзим,

Қилур гўёки пайгамбарга таъзим.

\*\*\*

*Абдубек Шерозий:*

Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин, то уни мукаммал эгалламагунингча ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердими, уни охиригача эгалламай туриб чала ташлаб кетма.



\*\*\*

*Юсуф Хос Ҳожиб:*

Билимни буюк, уқувни улуг бил,  
Бу иккиси танлаган бандасини улуглайди.  
Заковат қаерда бўлса, улуглик бўлади,  
Билим кимда бўлса буюклик олади.

\*\*\*

*Фаридиддин Аттор:*

Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замон ичра саломат тан эрур.

\*\*\*

"Жовидони хирад"да ёзилишича, илм ўрганишдан уялган ва такаббурлик кўчасига кириб қолган кишилар ҳеч қачон илмга эга бўла олмайдилар. Эй ўғил, сен илм ўрганишдан уялма! Нодонлик ёмон хислат!

\*\*\*

*Юсуф Хос Ҳожиб:*

Билимсиз, шубҳасиз, аниқ кўрдир,  
Кел, эй нодон билимдан ҳисса ол.

\*\*\*

*Абдибек Шерозий:*

Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадрли илм билан ҳосил бўлади. Илмдан ҳали ҳеч ким зарар кўрган эмас. Илмни эгаллаб олиш эса бир санъатдир. Дунёда қандай ёвузлик содир бўлган бўлса, уларнинг ҳаммаси нодонлик орқали келиб чиққан. Энг зўр ҳалокат нодонлик, инсонийликни битирувчи ҳам нодонликдир. Яхши таҳсил кўрган ва илм нури билан хулқини яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм — аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан қутқарган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб етади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йўл қўяди.

\*\*\*

*Ҳадис:*

Бешикдан қабргача билим изла.

\*\*\*

*"Ғавоқиҳ ал-Жуласо" китоби, Ҳакимдан:*

— Шунча илмни қандай ҳосил қилдинг?—деб сўрадилар:

У айтди: — Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг, еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади.

Бундан маълум бўладики, вақтни еб-ичиш ва ўйнашга сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарур экан.

\*\*\*

*Фахрулбанот Сулаймоний:*

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир.

\*\*\*

*Аҳмад Юғнакий:*

Илмсиз иликсиз сўнғак каби бўшдир, иликсиз сўнғакка қўл урилмайди.

Билим билан кишининг мартабаси ошди, илмсизлик эса кишини тубанлаштирди.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

\*\*\*

*Шавқий Каттақўрғоний:*

Илмсиз инсон—меvasиз дарахт. Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое кетказмоқдир.

Илм бир хазина бўлса, бу хазина калити савод. Илм келинчакка ўхшайди, у хилват ва пинхонликни ёқтиради. Илм инсон зийнати. Қоғозга туширилмаган илм унутилиб кетади. Кимки илм билан ақлини оширишга уринса, молу давлат ўзи келаверади. Илм бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди.

Молу дунё ишлатганинг сари озаяди, илм эса кўпаяди.

\*\*\*

**Ҳар кимки эрур улума моҳир,  
Бўлғай анга сўзнинг ҳусни зоҳир.**

\*\*\*

*Мўйниддин Жувайний:*

Яхши хислат жаҳонда олий мартаба ва юксак

даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

\*\*\*

*"Фавоқиҳ ал-Жуласо" китоби, Ибн Аббосдан:*

— Сен қандай қилиб шунча илмга эришдинг, —деб сўрадилар.

У шундай деб жавоб берди: —Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли ўқитувчи билан.

\*\*\*

Илм ва одоб таги йўқ хазина. Кимки унга эга бўлса, қадр қиймати баланд бўлади.

Фазилатга фақат илми шарафи бор одам лойиқ.

Билмаган айб эмас, билмаганни бўйнига олмаслик айб.

Одамлар сендан ўрганмаса, сен одамлардан ўрган.

Илм шундай нарсаки, бутун куч сарф этилмаса, қўлга кирмайди.

\*\*\*

*Муҳаммад Зеҳний:*

Кимки ёшлигида илм ўрганмаса, қариганда ҳурмат тополмайди.

\*\*\*

*Бузургемҳрдан:*

— Нима учун устозингни отангдан афзалроқ ҳурмат қиласан?—деб сўрадилар.

— Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса илм ўргатиб боқий ҳаёт бағишлади.

\*\*\*

*Бархурдор ибн Маҳмуд:*

Агар одам илм ва ҳунар таҳсили билан улуғ кишиларнинг хунарини ўрганса, вужуд матосининг қадри ҳаёт дўконида аъло даражага етиб, топиш-тутуши ҳам кўпроқ бўлади.

\*\*\*

*Умар Хайём:*

Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур,  
Садафда қамалиб, қатра дур бўлур.

\*\*\*

*Низомий Ганжавий:*

Куним кундан-кунга бўлсин десанг хуш,  
Илм пайдан бўл борида эс-хуш.  
Ҳар варақни ўқиб чиққанда мудом,  
Ҳаракат қил, тушун барисин тамом.  
Бўйра тўқувчиким, тўқиса аъло,  
Ёмон кўлоҳдўздан бўлади аъло.

\*\*\*

*Фурқат:*

Кўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,  
Кўрунг ўтган замондин бу замонда.  
Керак одамга қилгай илм ҳосил,  
Жаҳондин ўтмагай то маҳз жоҳил.  
Жаҳон басту кушоди илм бирла,  
Надур дилни муроди илм бирла.  
Кўнгулларни сурури илмдандур,  
Кўрар кўзларни нури илмдандур.  
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Баъзи донишмандларнинг фикрича, одамнинг ақлли эканлигининг белгиси ҳамма билан муроса ҳила билишида, одамлар билан тил топа олишида ва уларни тўғрилиқ томон юргиза билишидадир. "Халқ билан тил топа олмаган киши ақл неъматидан маҳрум киши" дейишади. Халқ билан муроса ва мадора деганда шундай нарсани тушуниш керакки, унда ёлғончилик бўлмайди, ҳеч кимни алдамайди, тили билан дили бир-бирига мувофиқ бўлади, каттаю-кичик билан бирдек муомала қилади, барчани яхши ишлар сари ундайди, ҳеч кимга зарари тегмайди.

\*\*\*

Ҳалифа Мансур ўз ўғлига деди — Эй ўғил, мендан икки нарсани ўрган, бу нарсалар ҳаётингда керак бўлади. Биринчиси шулки, нима иш қилсанг, аввал роса ўйла кейин ҳукм чиқар. Иккинчиси шулки, нима ишга қўл урсанг аввал уни йўлга сола оладиган ёки қувватини қайтара оладиган чора-тадбирини кўриб қўй.

Бир донишманднинг айтишича, яхши хулқнинг ўнга

белгиси бор. Улар куйидагилардир: ақл, инсоф, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, эҳсон, сабр, шукр ва мулойимлик.

\*\*\*

Бузургмеҳрдан сўрадилар: "Одам учун энг бебаҳо нарса нима?" Айтди: "Ақл!" Яна сўрадилар: "У бўлмаса-чи?" Айтди: "Одоб ва ахлоқ". Сўрадилар: "У ҳам бўлмаса-чи?" Айтди: "Кўркам хулқ". Сўрадилар: "У ҳам бўлмаса-чи?" Айтди: "Бойлик", чунки бойлик билан яхшилик қилиб, ҳар турли тоифалар ичида тинч яшаш мумкин. Яна сўрадилар: "У ҳам бўлмаса-чи?" Айтди: "Жимликни одат этиш, чунки жим туриш билан одамнинг айблари очилмайди ва ўзгалар таънасини ва маломатларини эшитмайди". Сўрадилар: "У ҳам бўлмаса-чи?" Айтди: "Чақмоқ ва яшин яхши, чунки юқоридаги шунча хислатлардан бирортаси бўлмаган одамнинг чақмоқ ва яшин ўти остида ўлгани маъкул".

\*\*\*

#### *Абулбаракот Қодирий:*

Баъзи ҳақимларнинг фикрича хушхулқликнинг ўнга нишонаси бор. Улар куйидагилар: биринчи, яхши ишларда одамлар билан ҳамиша бирга бўлиш; иккинчи, нафс куйига кирмаслик; учинчи, ўзгалар айбини қидирмаслик; тўртинчи, бировдан бирор айб содир бўлса, уни яхшиликка йўйиш; бешинчи, айбдор узр сўраса, айбини кечириш; олтинчи, мухтожлар ҳожатини чиқариш; еттинчи, ўзи ҳақида ўйлайвермай, бошқалар ҳақида ҳам қайғуриш; саккизинчи, ўз айбига иқрор бўлиш; тўққизинчи, очиқ юзлик бўлиш; ўнинчи, хушмуомала бўлиш.

Донишмандлар айтмишлар: "Яхшиликнинг асоси уч нарсада: биринчи, барчага нисбатан риёсиз камтарликда; иккинчи, миннатсиз саховатда; учинчи, ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда. Одамлар тўрт нарсани қидирмасликка иложсиздирлар: биринчи; яхшилик ва ёмонликни ажратишга ёрдам берадиган илмни, иккинчи; тирикчилик ўтказишга керак бўладиган асбоб-анжомларни, учинчи; кайфиятни яхши тутадиган воситаларни; тўртинчи, одамлар билан муросани".

Букрот ҳақим айтган эди: "Ортиқча ширин бўлмагинки, еб юбормасинлар ва ортиқча аччиқ бўлмагинки, туфлаб ташламасинлар".

\*\*\*

*Ҳикоят.* Ардашер Бобак ўз юртини адолат зийнати билан безатган эди. Бир куни у ўз ўғлининг гоят қимматбаҳо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни олдига чақириб: "Ўғлим, киши шундай либос кийсинки, бундай либос ҳеч хазинада бўлмасин!" деди. Ўғли ундан: "Эй ота, у қандай либос, нимадан тикилади?" деб сўради. Отаси унга: "У шундай либоски, матоси яхши хулқ ва яхши ишлар, ипи эса муроса ва сабрдан бўлади!" деди.

\*\*\*

*"Махзан ал-улум"дан:*

Сўзлаш одоби шундайки, сўзни кам сўзласин, чунки лақмалик тентакликнинг нишонларидан биридир. Бузургмеҳр: "Бир кишини кўрдингки, ниҳоятда кўп гапирмоқда, билгилки, у девонадир!" —деган эди. Киши демоқчи бўлган нарсасини ақл тарозусида яхшилаб тортмагач, уни баён қилиш номақбулдир. Ҳақимлар: "кўп ўйла, сўнг сўзла"—дейишган. Эҳтиёж пайдо бўлмасдан бир сўзлаган сўзни такрор гапирмасин. Бирор киши бирор воқеани баён қилишга киришса, эшитувчининг бундан хабари бўлса-да, хабардорлигини ундан яширсин. Чунки гапирувчи хижолат чекиши мумкин. Ўзга кишидан сўралган сўзга жавоб бермасин. Агар савол кўпчиликка ташланса, у мазкур саволга жавоб беришга қодир бўлса ҳам, ҳаммадан аввал жавоб беришга шошилмасин. Бирор киши жавоб айтса, қоникарли бўлмаса ёки унга кўшимча қилишга қодир бўлса, оҳиста жавобини айтсин. Ўтиришда бўлаётган музокара ва мунозарага дахли бўлмаган ҳолда аралашмасин. Катталарга кинояли сўз айтмасин. Тушунилиши қийин бўлган сўзни мисоллар воситасида равшан қилсин. Мунозарада чегарадан ташқари чиқмасин. Ҳар бир кишига унинг фаҳми етадиган даражада сўзласин. Бир ҳақимдан сўрадилар: "Нега сен гапиришдан кўра кўпроқ эшитасан?" У деди. "Чунки менга иккита қулоқ, битта тил ҳадя этилган".

\*\*\*

Бир донишманд ўз ўғлига шундай насиҳат қилган экан:  
— Эй ўғлим қилаётган ишингда кичкина гуноҳ бўлса ҳам уни кичик деб ҳисоблама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, бу ишингдан сенга фойдалар етади.

Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, жонидан тўйгач, пайт пойлаб, ўзингни халок этади. Бировнинг ёлгончи эканини билсанг, гапида жон бордир деб, яна унинг гапига чиппачин ишонма! Шубҳали ва гумоғли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма. Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилинган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсингдан чиқарма!

*"Жовидони хирад"дан*

\*\*\*

Маъмун ўз даврида машҳур бўлган бир олимдан илтимос қилиб: "Бир-икки оғиз фойдали сўз айтсангиз, токи ундан қўпчилик манфаат топсин!" — деди. Олим унга қуйидагиларни айтди: "киши учун энг фойдали хислат — газаб келганда ўзни босиш, сукут сақлаб, жим туриш, газаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлинг чиққанда ўзингни бос, бировга фойда келтирмайдиган ва дилни огритадиган сўзларни гапирма, то ишингга қараб харж қил, киримдан ортиқ чиқим қилсанг, ўзгаларга муҳтож бўлиб қоласан, ўзингга наф келтириб, бировга зарар келтирадиган фойдадан кеч, ишни қаҳру газаб билан эмас, чуқур ўй ва мулоҳаза билан қил. Бировлар ҳақида гапирганингда уларнинг номини ёмонлаб тилга олма, оранг бузилиб қолган кишидан яхшилик кутма. Биров сенга сир айтса, бу сирни ҳар кимга гапириб юрма. Айбингни олдинда айтган ва кулфатга қолганингда ҳамроҳ бўлган кишинигина, дўст деб бил!".

*Абулбаракот Қодирий*

\*\*\*

"...Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оламон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти ила онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий

муҳитни сохта ақидалар, бақриқ-чақриқ, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан ҳам чалғитиб бўлмайди".

*Ислом Каримов*

\*\*\*

"Илму маърифат эъозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшайпмиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билинги, одамзод ёруғ кунларга эришиши муқаррар".

*Ислом Каримов*

\*\*\*

*Улуғ донишманд Абу Али Фарюмодий ёзишича:*

Ақл улдурки, йироқ қилғай сени ҳалок қиладурғон ерлардин.

\*\*\*

Ҳақим ат-Термизийдан сўрадилар:

— Илмнинг асли надур?

Дедиким:

— Илмнинг асли ибтидони билмак, яъни азални билмак ва интиҳони билмак ва аҳду майсоҳни билмак ва илми ҳуруфни билмак. Ва илми ҳуруф ҳикмат илмидир, олимларнинг илми ушбу ҳикмат илмидир. Бу мазкур бўлгон илмлар авлиёларнинг улуғларига зоҳир ва ошкора бўлур. Бу илми авлиёлардин ул киши қабул қилодурки, анинг мартабасига Иблиснинг тасарруфи сифмағай.

\*\*\*

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий: "Тазкират-ул-авлиёи туркий"да келтиришича, Жаъфар Содик кунлардан бир кун Боязидга "Фалон токчадаги китобни келтир", дебди:

— Қайси токчадаги китобни келтирай? — сўрабди Боязид.

— Шунча кундан бери ҳузуримда ўқуб, қайси токчада



қандай китоб туришини кўрмадингми? — сўрабди, Жаъфар Содиқ.

— Устоз мен бу ерга тоқча томоша қилиб, китоб кўргани эмас, билим олгани келганман, — дебди Боязид.

— Ундай бўлса, сен таҳсилни тугатибсан, бориб халқни ҳақ йўлига ҳидоят қил, — деб ижозат берибди устоз.

### Камолот пиллапоялари

Бой маънавий меросдан баҳраманд бўлиб, ўзингизни "комилликка" даъват этинг. Имоми Аъзамнинг шогирди Юсуф ибн Холидга қилган ўғитлари сизларга ҳам аталган. Бу маънавий хазинани ўзлаштирамангиз, беҳисоб бойлик ортирабсиз: "Сен ҳар бир одамнинг ҳурматини ўрнига қўй, аҳли илмни эъзозла, обрўли одамларнинг иззатини жойига қўй, қарияларни қадрла, ёшларга яхши муносабатда бўл, оммага яқинлаш, савдогарлар билан муомала қил, яхшилар билан юр, султонларнинг мартабаларини ўрнига қўй, сенга интиланларнинг бирортасидан нафратланма, мурувватингни улардан дариф тутма, зинҳор-базинҳор ўз сирингни бировга ошкор қилма, синамасдан туриб, бирор кимсанинг дўстлигига ишонма, хасис ва пасткаш кимсаларни хизматинга қўйма, ўзингизга зарари тегадиган гапларни сўзлашдан тийил, бадхулқ кишилардан ўзингни узокроқ тут, ғаразли мақсад билан ташкил этиладиган зиёфатларга борма, одамлардан ҳадиялар ола кўрма, таъмагир бўлма, порахўрлик — катта гуноҳ. Сабру қаноатли, хуш хулқли ва кенг юракли бўл. Кийим-кечақларингни янгилаб тур, хушбўй нарсаларни тез-тез истеъмол қил, одамлар билан бот-бот мулоқот қилишга вақт белгилаб қўй. Бундай учрашувлар тайин қилинган вақтида амалга оширилиши лозим. Шахсий юмушларингни қилишинг учун ҳам, ўзингизга вақт ажратиб қўй. Одамларга насиҳат қилишингдан олдин, айтмоқчи бўлганларингизга ўзингиз риоя қил. Шундай бўлганингиздагина ўғитларингиз сенга обрў келтиради. Таомингни эҳсон қил. Зеро, бахил асло улғу бўлмагандир. Яхши дўстлар орттир, одамлар улар орқали сени танисинлар. Бузуқликни кўрганингизда яхшиликни кўпайтир, яхшиликни билганингизда унга раъбат ва эътибор кучайтир. Сени зиёрат қилганларни ҳам, қилмаганларни ҳам кўриб туришга интил. Сенга яхшилик қилганларга ҳам, ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қил. Кераксиз нарсалардан ўзингни олиб қоч, сенга

озор берадиганлардан ўзингни узоқ тут. Хукуқларингни танишга шошил. Биродарингдан бирортаси бемор бўлиб қолса, албатта уни шахсан ўзинг бориб, кўриб тур ва унинг ҳузурига тез-тез ўз вакилингни юбориб туришни унутма. Кўзингга кўринмай қолган биродаринг ҳолидан ҳабар ол. Улардан бирортаси сени кўрмай қўйган бўлса ҳам, сен уни бориб кўр. Жафо қилганга вафо қил, ҳузурингга келганларнинг ҳурматларини ўрнига қўй, сенга ёмонлик қилганнинг гуноҳидан ўт, яхшилик қил. Улардан бирортаси сен тўғрингда ёмон сўзлаган бўлса, сен у тўғрисида яхши сўзла, улардан бирортаси вафот этса, унинг ҳаққини адо эт, хурсандчиликни нишонлаётган кишини табриклаб қўй, бошига мусибат тушганга таъзия билдир, унга ҳамдард бўл, сендан бирор юмуш талаб қилса, унга дарҳол кўмаклаш, ёрдам сўраган одамга ёрдам бер, қўлингдан келганича одамларга меҳр-муҳаббат кўрсат ва ҳатто уларнинг энг ёмонига ҳам саломингни ошкора бер. Ҳузурингга келганларга меҳмоннавозлик кўрсат, уларнинг баъзи бир ҳожатларини раво қил, уларни қадрла, хатоларини билмасликка ол, шафқатли ва кечиримли бўл, юрагинг сиқилганини, хафалигингни билдирма, ўзингни бирдек тут, одамлар сенга қандай муомалада бўлишларини истасанг, сен ҳам уларга шундай муомалада бўл, ўзингга нимани раво кўрсанг, уларга ҳам шуни раво кўр, нафсингни тийиб юр, уни тергаб тур, ўз холига ташлаб қўйма, сенга газаб қилмаганга газаб тошини отма, ёмонликка боис бўладиган бақириқ-чақириқдан четда бўл, сени тингламаганни сен тингла. Модомики, одамлар сенга масъулият юкламас эканлар, сен ҳам уларга масъулият юклама, ўзлари нимани истаса шуни иста. Холис ниятли ва ростгўй бўл. Кибр ҳаволи бўлма, уни тарк эт.

Бировнинг омонатига хиёнат қилма, сени алдасалар ҳам, сен уларни алдама. Тақвони маҳкам тут. Мана сизга камолотга етказувчи пиллапоялар. Улардан бир-бир чиқиб, етуклик томон одимланг. Илм сизга қанот ва дўст бўлсин".

*("Аълом ал-Ахёр" китобидан. Имоми Аъзам асарларидан қисқартирилган ҳолда фойдаланилди).*

### **Ахлоқий маданият — камолот нури**

Азиз фарзандим! Сизнинг бойлигингиз ахлоқингиздадир. Қанчалик одобли ва тарбияли бўлсангиз, шун-

чалик, балки бундан ҳам кўп обрў - эътиборингиз ошади. Яхши хулқ, феъл-атвор ўз соҳибининг кўрки, зийнати ва қиёфаси. Ахлоқий маданият — сизни чиройли, гўзал ва хушрўй қилиб турган нарсадир. Ташқи қиёфа шакл бўлса, ахлоқий маданият — мазмун ва моҳиятдир.

Ахлоқий маданият — ахлоқий камолот меъёрларига эришиш даражасидир. Кундалик турмушда, иш фаолиятда амал қилинадиган "ҳазина". Ахлоқий маданият-ахлоқий онг, билим, ахлоқий муносабат ва ахлоқий фаолиятдир.

Ахлоқ — ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши, кишилар ўртасида таркиб топадиган ўзаро боғлиқлик ва алоқалар мажмуасидир. Ахлоқий фаолият — ахлоқий билимларни эгаллаш, ахлоқий туйғуларни шакллантириш, ўз-ўзини тарбиялаш ва тарбияланганлик мевасидир. Сизу биз яшаб турган жамиятнинг ҳолатини ҳам акс эттиради. Ахлоқий маданият инсон хулқининг аниқ кўриниши. У кишиларнинг кундалик хулқи орқали реаллашади. Жамиятнинг ахлоқий маданияти ахлоқий кадрятлар тизимини ифодалайди, шахс ахлоқий маданияти эса ана шу тизимнинг жиҳатларини индивидуалликда акс эттиради. Бу икки жиҳат бир-бирини тақозо қилади, бир-бирини бойитади.

Ота-онанг сени яхши бир инсон бўлишингни исташади, ўзингнинг ниятинг ҳам шу. "Олим бўлма, одам бўл" мақоли ҳам катта мазмунга эга. Сенинг етук инсон бўлиб улғайишинг учун, эзгу ниятинг ёки оиладаги тарбияланганлик даражанг етарли эмас. Албатта, сен ўзингда бор фазилатларни ривожлантириш, йўғларини таркиб топтиришинг керак. "Ўзинг учун ўл етим" — дейишади. Демокчиманки, ўз-ўзингни тарбиялашинг ва нуқсонларингни тузатишинг энг самарали усулдир. "Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама" — деган мақолнинг маъзини чақинг. Ахлоқ сени йўқдан бор қилиб турган омилдир. Чунки, ахлоқсиз кимсаларни Ҳазрат Навоий инсонлар сафига қўшмайди. Албатта, дунё борки, яхши-ёмон бор. Бу азалий ва абадий ҳодиса. Донишмандлар ёмон инсон фаолиятдан яхши сабоқлар чиқариш мумкин дейишади. Қалбда доимо вайронкорлик ва бунёдкорлик туйғулари курашиб яшайди. Сен ўз-ўзингни англаб, бунёдкорлик туйғусини қўллаб қувватла.

Сенга зарур фазилатлар қуйидагилар: билимдонлик, поклик, самимийлик, сахийлик, иймон-эътиқод, ҳалоллик,

софдиллик, диёнат, меҳр-шафқат, виждон, ростгўйлик, адолатпарварлик, ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар.

Бархурдор ибн Маҳмуд таъбири билан айтганда, одоб-улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча муддао гулларини дасталаш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар айтишадикки, одамийлик рисоласининг дарсларини ўқишга чоғланган ҳар бир инсонга, аввало шарму-одоб қондасини ёд қилмоқ шартдир. Токи бахт муаллимининг йўлланмаси билан ҳаёт қонунининг илмини идрок қилишда билимли ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам инсоният учун одоб ажойиб тож ва одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир. Кишидаги одоб билан илм уйғунлашса, у комил кишилар қаторидан ўрин олур. Улуғлик ақлу-одоб билан вужудга келади. Ақлнинг қадри одоб билан, бойлик қадри саховат билан, қувват қадри баҳодирлик билан ўлчанади.

### **Ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни биласизми?**

Азиз фарзандим! Ўзингиз учун ҳуқуқий илмларни эгалланг. Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганидек, "Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагини конституция кафолатлайди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари конституцияда белгиланган. Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш, ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш. Олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришиш учун, бугунги Ўзбекистонга эркин ва раво фикрлай оладиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз вазифа ва бурчларини тўғри англаб етган фуқаролар зарур. Бундай фуқарони тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби".

### **Бунга қандай эришиш мумкин?**

Ҳуқуқий давлатнинг, демократик жамиятнинг бун-ёдорлари бўлиш сиз, азиз, талабаларнинг ҳуқуқий маданияти ва тарбиясини тўғри йўлга қўйиш билан мақсадимизга эриша оламиз.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, ёшларимиз бош қомусимиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олишлари зарур.

Конституция, қонунлар ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаган, пухта ўрганмаган одамнинг ҳаёти охир — оқибатда салбий ҳолатларга дуч келиши мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек: авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатларга қўл урган кимсаларнинг қонунни билмаслиги, билса ҳам унга менсимасдан қараши, ҳурмат қилмаслигида экани, уларда ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги, етишмаслигидадир.

Ҳуқуқий маданият — бу қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга тадбиқ этиш, ижросини таъминлаш ва ҳар бир шахсни, фуқарони ижтимоий ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш жараёнидир. Ҳуқуқий маданиятни, аввало, инсоннинг ички дунёси, ички маданияти, умуминсоний анъаналарга ва ҳуқуқий билимларга бўлган муносабатлари белгилайди. Ҳуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига амал қилади. Ҳуқуқий маданият ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари, эркинликлари, масъулиятини билиш ва англаш. Ҳуқуқий маданият — бу қонунга содиқлик, ҳурмат қилиш, бўйсунуш ва унга амал қилиш.

У мамлакат тараққиёт даражасини ҳам белгилаб беради. Сиз ўзингизда "ҳуқуқий маданият"ни шакллантирсангиз, эртага хору зор бўлмайсиз.

"...биз судларимизни мустақил деб атаймиз. Ваҳоланки, ҳали бунга тўла эришганимиз йўқ... Прокуратуранинг бу масаладаги ролига ҳам тузатишлар киритиш лозим. У жазоловчи идора эмас, биринчи навбатда фуқаролар манфаатини, жумладан уларни давлат тазйиқидан ҳам ҳимоя қиладиган орган бўлиши керак. Тасаввур қилиб кўринг, одамларнинг онгида чуқур илдиз отган қарашларни ўзгартириш, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, бутун адлия идоралари давлат манфаатларини эмас, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш учун қанчалик катта, аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш даркор. Шундай тушунча, шундай қараш қон-қонимизга, вужуд-вужудимизга сингиб кетиши лозим".

*Ислам Каримов*

Азиз талаба, ҳуқуқий онг — ҳуқуқий билимлардан ташкил топади ва ҳуқуқий маданият кўринишида намоён бўлади. Ҳуқуқий билимлар, қонунларни тушуниш, англаш, амал қилиш, керак бўлса ҳимоя қилишдир. Ҳуқуқий саводхон кишини таниш-билишчилик, порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатлар зинҳор-базинҳор эга олмайди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билган одам ноқонуний ишларга қўл урмайди. Ўз ишини қонун тарозусига солиб кўради. Ҳуқуқий давлат ва жамиятда демократик қонунлар ўз-ўзидан ишлайдиган механизм яратилади. Бу эса ҳар биримизга боғлиқ.



## ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР ЎЛМАС

Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжу гурбат ҳавас айлама

*Алишер Навоий*

### Юракдан бошланадиган туйғу

"Давр ҳафта ичида" кўрсатуви бошловчиси "Ватанни севмаслик кўрнамакликдир", —деди. Бир қарашда Ватанни севиш осондек туюлади. Аслида ҳам шундайми?

Талабалар билан суҳбатлаша туриб, хаёлимдан турли мулоҳазалар ўтади. Ватан тушунчасини лўнда қилиб таърифлай олмайдиган баъзи бир талаба ёшларимизни кўрнамакликда айблаб бўладими? Чунки, ота-она ҳомийлигида мазза қилиб ўқиётган, бурнинг қани?— десангиз қулоғини кўрсатадиган "уловли" айрим бойваччаларимизга бугунги кайфу сафонинг ўзини "Ватан"—деб енгил-елпи тушунса: дарсдан сўнг ўзини ўтга-чўққа урадиган талабаларимиз Ватан деб тирикчиликни тушунадилар шекилли. Аълочи талабалар эса "Ватан—туғилиб ўсган жой" деб фикр қиладилар. Ватан тушунчасига кенгроқ тўхталадиган бўлсак, менимча, қудратли заминимиз, яъни Еру осмонимиз бутун Ер юзида яшаётган олти миллиарддан зиёд халқлар учун Ватан бўлса, ҳар бир халқ учун тақдирдан ато этилган, ҳамда чегараланган ҳудуд она-Ватандир. Ватан бизнинг қадр-қимматимизни белгилаб турган гўша.

"Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч кимни сева олмайди".

*Байрон.*

Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода талқин этилиши мумкин.

Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги Ватан тушунчасидир. Ватан остонадан бошланади, деган ибора ҳам бежиз айтилмаган. Киши туғилиб ўсган уй, кўча, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир.

Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатган.

Ватан тушунчасининг маъносини билиш кифоями, деган савол туғилади. Йўқ, албатта, ёки «Мен Ватанни келажагиман», — деб ўйлашнинг ўзи етарлими? Йўқ!

Талабаларга савол ташлайман, кимдир ўқишдан мақсад икки бетли дипломга эга бўлиш, тайин қилинган "мойли" жойда ишлаш, ўқиш даврида кетган харажатларни қоплаш деса, аллақайси талаба шоҳона яшашга эришиш деб жавоб беради. Ҳамма ўзини ўйласа унда озод ва обод Ватанни ким куради?

"Эй, фарзандим, фалончи муаллимимиз билимимизни адолатсиз баҳолайди, яхши жавоб ёза олмаса-да, у амалдор, бой ва пулдорнинг боласига аъло баҳо қўяди, деб нолидинг. Шундай бўлиши мумкин ҳам дейлик, лекин сен руҳингни чўқтирма, баҳо учун эмас, Ватаннинг эртаси учун, пухта билим олиш ва фанларни чуқур эгаллаш мақсадида ҳам ўқишинг керак-ку ахир?!" Ҳар бир ёш-талаба олий мақсад сари интилиб яшаши керак. Олдинда нурли келажак...

### **Ватан ишқининг қудрати**

"Пул бўлса, Ватан топилади" дейдиган калтабинлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Эсиз, бунчалик жоҳил ва ғофил, тафаккури қашшоқ бўлмасанг: пешонангга ёзилган Ватан сенинг тақдиринг, сенинг бахтинг, сенинг келажагинг эканлигини идрок этмасанг. Рус мутафаккири Петр Чаадаев ёзади: "Ватан муҳаббати— ажойиб туйғу...! Ватан ишқи қаҳрамонларни вужудга келтиради. Ватан олдидаги бурч — узиб бўлмайдиган қарз кабидир". Ватаннинг бойи ёки камбағали бўлмайди. Ҳар бир инсоннинг Ватани борлиги — ўзи битмас-туганмас бойлик.

Ватандек буюк неъматсиз, сен бир пулга қиммат матоҳсан. Пул қўлининг кири, соғ бўлсанг, ишласанг ҳар доим топишинг мумкин. Лекин, Ер юзининг истаган юртига бормагин, сени ватандош сифатида ҳеч ким қабул қилмайди. Сени "Ватангадо", "Муҳожир", "Келгинди" деган ном билан аташади. Пулинг ҳам жонингга оро кирмайди.

Ўзга юртда шоҳ бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўл.

*Ўзбек халқ мақоли.*



\*\*\*

"Кимки Ватанни хор қилса, у оиласидан ҳам, бор-будидан ҳам айрилади".

*П.Корнел.*

### **Ватанфурушлик — гуноҳи азим**

Баъзиларимиз арзимаган қийинчиликларни рўқач қилиб, виждонни сариқ чақага сотиб, Ватанга хоинлик қилсак, бизни кузатиб турганлар олдида "ким деган одам бўламиз". Наҳотки, шунчалик пасткашлик ёки ватанфурушлик гуноҳи азим эканлигини тушунмасак? Бунинг сабаби ўша калтабинларнинг дунёқараши эскилигида. Агар шундай бўлмаганда, баъзи бир ёшларимиз "Ватансиз инсон ҳеч ким эмаслигини, она юрт ҳаёт манбаи, яшашидан муддао эканлигини тушуниб етардилар". Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидладилар: "яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозирги кунда биз турли қийинчиликларни бошдан кечиряпмиз, ҳали счилмаган муаммоларимиз ҳам кўп. Лекин инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат борки, агар жон куйдирмасак, ўзимиз ишламасак, ҳеч ким четдан келиб, бизнинг ўрнимизга ишламайди, бу муаммоларни ҳал қилиб беролмайди". Ватан келажаги, саодати йўлида меҳнат қилиш — бу буюк бахтдир. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Француз шоири Делил фикри билан айтганда, энг мақбул фазилат — Ватанга ва одамзодга кўрсатишган хизматдир. Бу ўринда файласуф Цицероннинг фикри ҳаммамиз учун бирдек қимматли: "Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш ақроболар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?".

### **Ватанпарварми — миллатпарвар!**

Бу икки тушунча уйғунлашиб кетган, бир-бирини тўлдиради, холос. Ватанпарвар инсон миллатпарвар бўлмаслиги мумкинми? Фалсафий нуқтаи-назардан мумкин эмас!

Энди фараз қилайлик, бунинг акси бўлиб қолди. Ватанпарвар, лекин миллатпарвар эмас ва акси.

Ватанпарвар — бу Инсон ватан равнақи учун жон фидо қилган инсон.

Миллатпарвар — бу Инсон ўзбек миллатининг келажаги учун жон фидо қилган инсон.

Ватан келажаги — миллат келажаги

Фараз қилайлик (мисоллар кўп) бир инсон йўлини қилиб арзон - гаровга бир заводни, фабрикани ёки нефт ишлаб чиқарадиган корхонани сотиб олди. Чет эл инвестициясини олиб кирди. Заводни ишга туширди, ишчиларни иш билан таъминлади. Бир қарашда ҳаммаси яхши. У ватанпарвар! Маълум вақт ўтгандан сўнг интернетга чиқсангиз у миллиардерлар қаторида турипти. Ким ва нима ҳисобига? Энди жавоб беринг — у ватанпарварми? Менимча асло йўқ! Қинғир йўллар билан ўз манфаатини Ватан — миллат манфаатларидан юқори қўйган унсур. Бунақалар ичимизда ёки бошқа давлатларда йўқми? Улар тўғрисида ҳалқ нима деяпти? Ҳалқнинг фикрига қулоқ солинг!

Энди ўзини миллатпарвар деган террористлар аслида ким? Бу муаммони ҳам чуқур мулоҳаза қилинг...

Ўз йўлингизни, тўғри йўлингизни танлайдиган, Ватан ва миллат манфаатини ўзингизникидан устун қўядиган вақт келди.

### **Муқаддас эътиқодимиз**

Институтга кирган талабанинг дунёқараши бир қадар шаклланган бўлади. Ҳолбуки, "Маънавият асослари", "Ўзбекистон тарихи", "Маданиятшунослик" фанларидан жон куйдириб, Ватанни сев деб қулоғига қўйган билан, у ватанпарвар бўлиб қолмайди, ё фикри-зикри мудом ўз ўй-хаёллари билан банд бўлади, тезроқ дарс тугашини кутади, бу фикрлар у учун янгилик эмаслигини, боғчада ҳам мактабда ҳам кўп эшитганини айтади. Шунинг учун маърузачи талаба ҳис-туйғуларини жиловлаб, у учун янгилик бўлган эҳтиросли фикр билдириши, ҳаётий мисоллар билан таққослаб, муайян йўналишга бура олиши айтиш муддао. Биз шунга эришишимиз керакки, Ватан деганда юрагимиз бир ҳапқириб тушсин, тўлқинлансин. Аслини олганда, Ватанни севиш бизнинг муқаддас эътиқодимиздир. Яна ёшларимизга тушунтириш лозимки, ҳеч бир ўзга юрт ўз Ватани ўрнини боса олмайди. Саудиялик ватандошимиз айтганидек Ер юзининг мана-ман деган диёридан пул, мол-дунё топишинг мумкин, лекин иссиқ-

совуфингни, аччиқ-чучугингни, эркалигингни кўтарадиган Ватан топиш мушкул. "Ватан муҳаббати ҳар биримизга берилган улуғ неъмат". Ватанни севган, унинг бирор корига яраган одам ҳаётининг чуқур маъно касб этаётганини, умри зое ўтмаётганини ҳис қилади, унинг инсоний ғурурига ғурур қўшилади. Ватан муҳаббатидан бенасиб, лоқайд қарайдиган, ҳатто унга қўл кўтаришдан тоймайдиган одамлар турли қиёфага эга бўлмасин, башарасини ҳар қандай ниқоб билан паналамасин, маънавий қашшоқ, иймонсиз, худбин ва бахтсиз одамлардир.

### **Энг кучли таъсир ва тадбир**

Ҳар ким ўз юртида азиз. Шу Ватаннинг қийинчилиги, муоммолари ҳам уники. "Мустақиллик масъулияти" китобида ёзган эдим: "Жанубий Корейда корейслар ўз олдиларига турган барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, ҳозиргидек тараққиётга эришдилар. Нега? Бунинг асосий сабаби Ватан туйғусининг кучлигидадир. Бу туйғу ҳар бир соҳибини унинг обрўи учун курашишга ундайди.

Ватанни севсангиз, унинг равнақи учун жонни жабборга берсангиз, она юрт сизни кўкка кўтаради. Бир донишмандга "Ватанни қандай севса бўлади?" — деган савол беришибди. "Ватан сени йўқдан бор қилиб турган нарсадир. Кўз очиб кўрган юртга меҳр туғма бўлади. Туғма муҳаббат инсонни Ватансиз яшай олмасликка ундайди. Бунинг учун сенинг ота-оналаринг ватанпарвар бўлишлари керак эди"—дебди аллома. Албатта, АҚШ давлат арбоби Б.Франклин айтганидек, энг яхши тарғибот, яхши ўрнак. Ҳар бир жабҳаларда ўрнак бўлиши лозим. Ўзи ҳолва еб туриб шогирдларига ҳолва еманглар деса тескари ўрнак бўлади. Ҳар бир ёшнинг ўрнак оладиган кишиси бўлиши керак. Энг кучли таъсир ҳам, энг кучли тадбир ҳам ота-оналаримизнинг ўз она Ватанларини севишларидир.

Ватан туйғуси инсон вужудига она сути билан киради. Агарда ота-она чинакам ватанпарвар инсон бўлишса, бола томиридаги қон, кўксидаги юрак ҳам гўдаклигидан Ватан ифорини ҳис этади. Улғайиб борган сари бу табиий севги ота-она намунасидан куч ва озуқа олади. "Қуш уясида кўрганини қилади". Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-

насабини билгани сари, юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси, илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юрта муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади".

### **Йигит она юрт учун туғилади**

Нима учун деярли барча ота-оналар биринчи фарзанди ўғил бўлишини чин дилдан истайди? Аслида, қиз фарзанд туғилса ҳам оилада байрам. Чунки, "Қизи бор уйнинг фариштаси бор", — дейди халқимиз. Аммо, ўғил боланинг пойқадами алоҳида эҳтиром ила кутиб олинади.

Турк халқлари, умуман дунё аҳолиси, айниқса урушлардан зада бўлган қадимги халқларда ўғлон туғилиши нафақат ота-она, балки қўни-қўшни, уруғ-қабила аъзоларида ҳам хурсандчилик уйғотган. Чунки ўғлонга оиланинг, қабиланинг, элу юртнинг қўрғони, ҳимоячиси сифатида қаралган. Йигит улғайиши билан, у овчилик, чавандозлик, миллий кураш сирларига ўргатилган.

Йигитга овчилик ҳар қандай шароитда ҳам, оилани, юртни боқиш учун керак бўлган. Чавандозлик ов учун ҳам, жанг учун ҳам ниҳоятда керакли. Яхши чавандоз — яхши овчи, яхши чавандоз — яхши жангчи. У халқни боқиш, ҳимоя қилиши учун керак.

Кураш ўша пайтларда бир қараганда ўзини ҳимоя қилувчи восита бўлиб кўринса-да, унинг замирида катта бир маъно, фалсафа бор. Кураш ҳар доим йигитни мардлик, жасурлик, комиллик сари етаклайди. Балки шунинг учундирки, халқимиз курашмаган йигитни йигит ҳисобламаган. Ўзбек кураши азалий спорт турларидан бири бўлиб, ҳозирда жаҳон миқёсида тан олинди, унга қизиқиш ортди. Халқаро миқёсда мусобақалар ўтказилмоқда. Бу билан қизларимизни камситмоқчи эмасман. Ўнта ўғилни ўрнини босадиган спортчи, олима, тadbиркор қизларимиз билан фахрланамиз.

### **Паҳлавон Маҳмуд қиссаси**

Қадим халқимизда ижтимоий тарбия институти табиий равишда жуда яхши ривожланган. Буни халқнинг иродаси, орзу ҳаваслари натижаси ўлароқ юзага келган халқ оғзаки ижоди намуналарида, дидактик асарларида кўришимиз мумкин. Албатта ҳамма йигит ҳам юртнинг қўрғони бўлавермайди. Баъзи калта ўйлаб, ноқис ақли, шайтон

нафси панд бериб, йигитлик шаънига (доғ) ярашмайдиган ишлар қилганига ҳам тарихнинг ўзи гувоҳ. Ҳақиқий йигит—юртнинг ўғлони ҳеч қачон душман билан муросага бормади. Ҳа, уларнинг шиори мана бундай бўлган: "Она юртинг, Она Ватанинг учун олаядиган кўзларни ўй!". Ватаннинг ҳақиқий ўғлони юртнинг озодлигини, ободлигини ҳар нарсадан устун қўйган. Буюк бобокалонимиз, кураги ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги машҳур ривоятни эсласак, ҳинд шоҳи бобомизнинг битта тилагини бажаришни ваъда берганида, у киши:

— Бир қоп тикаман. Шу қоп тўлгунча хоразмлик асирларни берасиз,— дейди.

Шоҳ:

— Битта қопга қанча ҳам одам сиғарди,— деб ўйлаб-нетмай дарров илтимосга рози бўлади. Шундан сўнг хоразмлик бобомиз бир қоп-қанор тикадики, унга барча асирлар сиғади ва уларнинг барчаси қулликдан озод бўлади.

Агар Паҳлавон Маҳмуд "Барча хоразмликларни озод қилинг", деганида шоҳ бунга рози бўлмасди. Қаранг, халқимиз озодликни қанчалик яхши кўради. Чўпон йигит Широқни эли учун жон фидо қилганини, Жалолиддинни ёвуз душман билан жон олиб, жон берганини, қанчадан-қанча халқ қаҳрамонларининг жасоратларини эшитмаган, билмаган одам кам топилади бугун. Буларнинг бари озодликка, эркак бўлган курашларнинг намунаси эмасми? Халқимиз озодликни шунчалар яхши кўради. Ватан ҳурлигини ҳақиқий эр-йигит ўз жонидан устун қўяди.

### Кўз-кўз қилинмайдиган севги

"Ватанга муҳаббат онага муҳаббат каби муқаддас ва юксак туйғу...! Ватанга муҳаббат ҳам шундай: у ҳаммага кўз-кўз қилинмайди, у тўғрисида тантанавор, одам кўкрагига уриб Ватанга ошиқлигини писанда қилмайди... Ватанга муҳаббат бозорга солинадиган матоҳ эмас, балки инсон қалбининг тўрида гард юқтирмай покиза сақланадиган энг нафис, энг инжа бир туйғудир... Ватанни севиш ва уни амалда намоён қилиш... бу одамдан жуда катта жасоратни, бардошни, чидамни талаб қилади. Ватан йўлида... содир бўладиган фидокорлик — энг юксак, энг олий фидокорликдир". Ҳа, Ватан—қўрғон, бу қўрғоннинг посбони эса йигитдир. Азиз талаба-йигитлар гарчи баъзи

бирларингиз ҳарбий хизматга бормаслик учун ўзингизни олий ўқув юртидаги "военка" (ҳарбий кафедра) қўйнига урсанглар-да, ёки бир ойлик резерв хизматига бориб келсанглар-да, нима бўлгандаям сиз — ҳимоячисиз. Бу сизнинг конституциявий (фуқаролик, фарзандлик) бурчингиз. Мангу саодат — Ватанга садоқат ва унга чинакам фарзандликда. Эл-юрт гамида ранжу-ташвиш чеккан кишининг йўли равон, дили нурафшон, обрў-эътибори баланд бўлади.

### Паноҳим, саждагоҳим, умидим

XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўтган асрнинг охирига қадар Ватанимиз, Онамиз, Отамиз ўз бошидан не-не кўргуликларни ўтказмади, дейсиз. Чор ва Болшевиклар ҳукумати турли кўринишларда оталаримизни, боболаримизни тинимсиз равишда эзди. Қанчадан-қанча ватандошларимизнинг азиз боши турли тамғалар остида танасидан жудо бўлган. Оналаримиз афғон тупроғида урушган қанчадан-қанча мард ўғлонларидан бевақт айрилди. Бу жабр-зулмдан қутилмоқ учун шитоб билан бош кўтарганлар оғалари орқасидан борса-келмасга жўнади.

Абдурауф Фитратнинг 1917 йилда мустабид тузум даврида ёзган қуйидаги жумлалари ватанпарварликнинг юксак намунасидир. "Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам қаршимда мунгли бир хаёл турадур!... Эй ғамли она, нечук мунгдан айрилмайсан? Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечун кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг ёш ёмғурларини нечун тўкадур?

Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан. Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма. Юртим, Туроним сендан айрилмоқ — менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур. Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ёвларинг сени шу кунгами солдилар! Тилагим, истагим, саодатим! Болаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар! Суюнчим, овунчим, ўчоғим! Золимлар сени кимсасизми кўрдилар!

Йўқ сен кимсасиз эмассан. Мана мен, борлигим билан сенга кўмак қилурға ҳозир, мана мен, чин кўнгили билан

сенинг йўлингда ўлурга рози. Қоф тоғлари йўлимга тушса, тамуғ оловлари қаршимдан чиқса, яна сен сари кетарман. Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиканлари кўзларимга кирса, яна сени қутқарарман.

Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман...".

Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари Фитрат сўзларини ривожлантиради. "Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитратнинг бир шеърида "Ватан— саждагоҳимдир"— деган фикрни баён қилади. Чиндан ҳам Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуг бўлмоғи керак.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуг аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин".

Беадад шукрлар бўлсин, Она Ватанимиз, Ота Юртимиз энди озод, хур. Онаимизнинг энди қандай яшашни бизга— фарзандларга боғлиқ.

Минг афсуслар бўлсин, Онаимиз ўзининг айрим нобоп фарзандларидан яна жабр кўрди. Айрим нияти бузуқларга кўр-кўрона эргашган, Онанинг қадрига етмаган нонкўрлар Онага қарата ўт очди. Ўз оғасининг, инисининг кўксига қанжар урди. Сариосиё, Узун, Бўстонлиқ туманларида, Андижонда қонли тўқнашувлар содир этилди. Бунда қанча ўғлонлар, мард, жасур йигитлар Ватан — Она ҳимояси йўлида шаҳид кетдилар. Нонкўр "жигар" ўз жигарларининг қонини тўқди.

Онанинг шунча чеккан азоблари каммиди? Минг бора шукрлар бўлсин, нияти бузуқлар ортга чекинди. Бутун уларга қарши нафақат юртимиз, балки бутун жаҳон курашмоқда. Энди уларга "сичқоннинг ини минг танга" бўлиб кетди.

Бу ишларни амалга оширишда бизнинг армиямиз, яъни ҳарбийларимиз, ундан ташқари ҳуқуқ-тарғибот хизмати ходимлари жонбозлик кўрсатдилар. Айримлари шаҳид бўлдилар. Бу кураш қурбонсиз бўлмади.

Ҳар бир ўтаётган кун бизни ҳар доим сергакликка, огоҳликка, жасурликка чорлайди.





## ОНА ТИЛИМ

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.

*Абдулла Қодирий*

### Миллатнинг руҳи

Она тили — миллатнинг қиёфасини белгилаб берувчи омилдир. Бу беш кунлик дунёда ўз она тилингда сўзлаб, қаддингни фоз этиб яшашингга нима етсин. Шукрлар бўлсинки, истиқлол шарофати билан ўз она тилимизни "ўргана бошладик". Тилимиздаги ёт сўзлар ўрнига ўзбекчасини ишлатиш урф бўлди. Юртбошимиз айтганларидек, "Она тилига муҳаббат..., эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она тилининг бетакрор жозибаси орқали сингади... Она тили бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган миллат ўзлигидан жудо бўлади".

Минг таассуфлар бўлсинки, ҳали ҳам орамизда ўзбек бўла туриб, ўз тилида икки гапни қовуштириб гапира олмайдиганлар бор. Қолаверса, ўзбек гуруҳларидаги баъзи йигит-қизларимиз ўз тилида фикр-мулоҳазаларини тўлиқ баён этиб беролмайдилар, ё тугилади, ё елка қисиб ўтиради. Нега бундай дейсизми? Сабаби, ҳали-ҳали она тилимизни, фикр-қарашларимизни тўлиқ ва мукамал ифода этиб бера оладиган даражада билмаймиз. Минг бора афсуслар бўлсин! "Умники и умници" кўрсатувини бир кузатиб кўринг-да, бизни ўқувчиларни фикр доирасини уларга таққосланг... Бу муаммо бизнинг ёшларимизга тегишли деб ўйласам, яқинда Россия президенти ва олимлар ёшлар ўз она тилларини билмаслиги ҳақида фикр билдиришди. Ана холос. Глобал муаммо!

### Сўз бисотингиз қашшоқми?

Семинарларда талабалар минбарга чиқишади-ю, нима деяётганини баъзан тушунмайсан, киши. Шевада гапиргандаям, баъзан русча аралаштирса-да, гапнинг эга-

кесими "пойинтар-сойинтар", оёғи осмонда, боши ерда бўлиб ётади. Мавзуни ўқиб келганига шубҳа қилмайсан, аммо нутқи саёзлигига ва сўз бойлиги қашшоқлигига ачинасан. Баъзи талабанинг ҳар бир гапни кўплаб имловий хато билан ёзиши у ёқда турсин, ўзи кундалик ҳаётда тез-тез ишлатадиган сўзларнинг маъносини тушунмаслигини кўриб, ҳайрон бўласан киши. Мавзуни ўқиганидек тушунтиролмасанда, ҳар тугул ўқибди-да, деб ўзингга-ўзинг тасалли берасан. Тест саволларини берсанг, тезда жавоб топиб берадиган талабаларимиз, ўз она тилида тўлиқ ёзишга ва гапиришга ожиздирлар. Мен нутқида "зарпечакдек қулоч отган" жаргону шева сўзлари ҳақида гапираётганим йўқ. Ёки дағал ва кўпол сўзлар ёшларимиз учун кенг истеъмолдалиги тўғрисида ҳам сўз юритиш ниятим йўқ. Мени ўйлантирган муаммо талаба ёшлар нутқининг саёзлиги ва сўз бойлигининг қашшоқлигидир. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Нега шундай? Айбни оиладан, боғчадан ёки мактабдан излаётгандирсиз, ҳар тугул. Бўлса бордир. Гапингизда жон борга ўхшайди. Умрида биронта бадий китоб ўқимаган, тирикчиликдан бош кўтармай, бунга вақтим йўқ, дея "кўча тили"да сўзлашадиган ота-оналаридан фарзандларига ҳам бу "касаллик" юқиши турган гап. Бу касаллик газак отса, жозибадор ва бой тилимизни шўри қурийди. Ажи-бужи, қандайдир аралаш-қуралаш тил ҳосил бўлади. Бу муаммонинг сабаби, улар айтганидек тилимизнинг қашшоқлигида, сўзларнинг етишмаслигида эмас. Ҳар ким ўзига қараб тўн бичади. Аслини олганда, тилимиз бой ва жозибалидир. Хорижий бир сўзга нисбатан бир неча синонимлар мажбудлиги, кўп маънолилиқ ва фразеология фикримнинг исботидир. Икки жилдлик "Ўзбек тили изоҳли луғати"ни ўқиб чиқиб, бунга қайта-қайта гувоҳ бўлиш мумкин.

### **Жозибига бой тил**

Ўзбек тили Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда, дунёнинг энг зангин ва рангин тилларидан. Негаки, у буюк турк тили негизда таркиб топган, араб ва форс тилларининг бой хазинасидан кенг миқёсда истеъфода этган, халқаро атамалардан баҳраманд бўлган, рус, хитой, мўғул тилларидан сўзлар олиб бойиган тилдир. Ўзбек тили

каби сўз ясаш имконияти кенг, шеваларга ва синонимлар, маънодош сўзларга бой тил ҳам дунёда кам. Бежиз эмаски, аския санъати—зукколик, закийлик баҳси ёлғиз ўзбек тилида мавжуд бўлган бетакрор анъанадир.

### Сўзамоллик маҳорати

"Девону луғатит турк"да "Эрдам боши тил" мақоли келтирилган. "Эрдам" — "адаб" сўзининг туркча муқобили эканлигидан келиб чиқсак, одоб тилдан бошланади маъноси келиб чиқади. Абу Али Ибн Сино инсон ҳайвондан ақл ва тили билан тафовут қилишини, инсонларнинг комили оқил ва сўзга чечан киши эканлигини таъкидлаб ўтади.

Ҳазрат Навоий сўз ҳақида шундай деб ёзади. «Сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдир ва кўнгил мазҳаредурким, жомийи-и маоний жузву кулду. Андоқким, дарёдан гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳарига кўра зоҳир бўлур. Кўнгилдин дағи сўздури нутқ шарафига соҳиб иxtисос василаси билан гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига боқа интишору иштиҳор топар...

Сўз дуррунинг тафовути, мундин доғи беғоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур. Андоқки, шарафидин ўлган баданга руҳи ҳалок хосияти зуҳур этур».

Сўз мулкининг Султони Ҳазрат Навоий "Муҳокамат-ул луғатайн" асари орқали туркий (ўзбек) тилининг беқийс имкониятларини намойиш этади. Мир Алишер форсча муқобил бўлмаган сўзлар туркийда мавжудлиги, форсийлар уларни ишлатишини таъкидлаб, она тилининг ҳар жиҳатдан бойлигини исботлаб беради.

Хўш, муаммо нимада? Хатто ўзбек сўзларни бузиб, русча ёки тожикча талаффуз қилаётган, "ў" билан "у" нинг фарқига бормайдиган, келишик кўшимчаси "нинг"ни "ни" деб ёзадиган айрим ёшларимиздаги сўз бисоти камбағаллигининг асосий сабаби, бадий асарлар-у, китоблар, газета, журналлар ўқиб, сўз "бойлиги"ни бойитмаслигидадир. Одам бир яхши китоб ўқиса ҳам онги бойийди, тафаккури теранлашади, бундан ташқари тили ҳам равонлашади, ўзбекча ўйлаганини ўзбекча гапира олади! Улуғ Навоийни тушунмайдиган кимсалар жилла курса, у ёзган тилда эркин гапира олишлари керак-ку, ахир?! Инсон

қанча сўзамол ёки нутқи равон ва таъсирчан бўлса, ўзининг ютуғи-ку. Она тилимизда гапираяпмиз деб кўкрак керсақда, унда "яйраб" ёки "сайраб" гапира олмасак бундан ортиқ кўргулик борми дунёда? Айб ҳам, камчилик ҳам ўзимизда.

### Она тилини билмай

Хулоса қилиб айтганда, она тилимизни севиш, у билан ифтихор қилиш — тилимизнинг ривожини устида меҳнат қилиш, бисотини бойитиш, гўзал ва қудратли қилиш демакдир. Бошқа тилларни ўрганишга бел боғлаган ёшларимиз, аввало ўз она тилини чуқур билиши айна муддао. Чунки, ўз тилимизни билмай, ўзга тилни сувдай ичиш барибир кулгили ҳол. Юртбошимиз айтмоқчи, "Чет тилларни ўрганиш минъбад она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим". Шунини алоҳида таъкидлаш керак, она тилимиз бизнинг "юзимиз-кўзимиз". Ана шу юз-кўзимизни чиройли, нафис, хушрўй бўлиши ҳар биримизга боғлиқ.

Улуғ ўзбек маърифатпарвари Фитрат ўзбек тилини дунёнинг энг бой тиллари сирасига киритади. «Бир тилнинг бойлиги у тилдаги сўзнинг кўплиги (насрати калимот), ундириш кенглиги (вусъати иштиқоқ), юсуп тугаллиги (мукаммалияти қаваид) билан бўлур. Туркчада (ўзбекчада) сўз кўплиги борми — (арабшуносларимиз айтганда, косрати калимот мавжудми) бор. Бу сўз бугун эмас, неча юз йил бурун орага чиқмиш ва Навоийнинг "Муҳокаматул-луғатин" отли китобида ўз жавобини олмиш».

Мана сизга мисол "илм" ўзагидан ясалган сўзлар бисёрлигига эътибор беринг. Бил, билар, билажак, билғуси, билгай, билса, билсаки, билай, биладир, билди, билибдир, билан, билмиш, била олди, била турди, била бошлади, била ёзди, била берди, билиб, билгач, билгали, билмоқ, билиш, билув, билмов, билим, билги, билиқ, билгили, билгувчи, билмакчи, билгур, биламагун, билмаган, билмай, билимсиз, билмас, билмалик. Мана сизга ёлғиз феъллардан 13 феъл, кўшма феъллардан ҳар бирининг буйруғи, бўлиши ҳоли, келажаги, шарти ва кўзғови бор.  $13 \times 6 = 78$  ... туркийда бир томриддан 98 сўз ясалмиш. Тилимизнинг авж бойлиги, тугаллигини билдикми?"

*("Иштирокиюн" газетаси, 1919 -йил 12 -июн 132-сон)*

## Тил ва тафаккур

Кимлардир гапга чечан бўлади-ю, минбарга чиқса, сўзни қалаштириб ташлайди, аммо улардан бирор-бир пичоққа илинадиган фикр топа олмайсан. Сизнинг тилингиз билан айтганда, бу аравани қуруқ олиб қочишдан бошқа нарса эмас. Албатта, "гапга ўқитгани яхши" аммо бу жумлаларда фикр ифодаланмаса чикора. Нега шундай демоқчимисиз? Бунинг сабаблари бор. Биринчиси, фикрлаш қобилиятининг ўсмаганлигида. Тафаккур-фикр юритиш, ўйлаш демакдир. Тил эса фикрни ифодалаш, яъни сўзлашдир. Тафаккур билим меваси. Қанча кўп фикрласангиз у шунча кенгайди. Мантиқий, таҳлилий ва ўйлаб сўз юритасиз. Сиздан тош босадиган янги гап кутса бўлади. Тафаккур ўз тажрибангиз ва тўплаган билим ҳисобига ривожланади. Демак, сизнинг минбарда билдирган "узундан-узоқ" фикрларингизда мазмун-маъно йўқлигининг сабаби мавзуга юзаки ёндашганингизда, ҳатто маъруза матнини ўқиб ҳам кўрмаганингизда. Мактабда олган ва унутилаётган "билим"ингизга таяниб юрганингизда. Агарда сиз яхшилаб ўқисангиз, мавзу устида чуқур мулоҳаза юритсангиз, фикрларингиз сўзларга бой бисотингиз воситасида (билим билан) гапга айланиб нотикларникидек кучли ва таъсирчан чиқиши шубҳасиз.

Фалсафа фанида ҳам тафаккур нима?—деган саволга жавоб бор. Инсон онги ўзига хос олам. Бу оламнинг "қўлоқлари" — сезги, туйғу, тасаввур уни ташқи дунё билан боғлайди: сезги воситасида онгимиз ташқаридан ахборот олади, туйғу воситасида онг бу ахборотни қабул қилади, тасаввур ёрдамида онгимизда ушбу ахборот сақланади ва кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ушбу уч унсур жонзотларда ҳам бор. Лекин жониворлар инстинкт йўриғи билан ҳаракатланади. Инсонда ҳам инстинкт мавжуд. Бироқ сезги ҳам, туйғу ҳам, тасаввур ҳам олимлар таъбири билан айтганда, кўпроқ, онгнинг кейинги босқичи учун "хом ашё" етказиш вазифасини ўтайди — қабул қилиб олинган ахборот онгимиз "тегирмон"ида тортилиб, қайта ишланади, тасаввур тушунчага—тушунча фикрга—фикр мушоҳадага айланади. Ана шу инсонга хос уч унсур илмий тил билан айтганда,

тафаккур дейилади. Қуръони Каримда, "Бақара" сурасининг 220-оятида шундай дейилади. "Шундай қилиб, дунё ва охират ҳақида тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади". Навоий ибораси билан айтганда, тафаккур моҳият, инсонни инсон қилиб турган омил. Инсон нимагаки эришган бўлса, тафаккур билан эришади. Тафаккур — "ҳаёт-мамотдир".

Алибек Рустамов тафаккур (фикрлар) ва тилнинг боғлиқлиги тўғрисида шундай дейди: "Фикрни тил воситаси билан ифодалаш уни гапга айлантириб айтиш ва ёзишдан иборат. Шу йўл билан фикр ўзгаларга билдирилади. Фикр айтилмаса ёки ёзилмаса, ифодасиз ва номаълум бўлиб қолади". Демак, фикр тил туфайли воқеалашар, зехндан ташқарига чиқиб реаллик тусини олар экан. Фикрлаш жараёнидаги тилнинг иштироки шундаки, киши бир нарсани ўйлаганда шунинг суврати ва тушунчаси билан баробар ўша нарса ва тушунчани англаувчи сўзлар ҳам хаёлга келади ҳамда ўйлаш натижасида вужудга келган ҳукм билан бирга уни ифодалаш мумкин бўлган гап шакллари ҳам хаёлдан кечади... Шу жиҳатдан... тафаккур ва тил бир нарсанинг икки-ички ва ташқи жиҳатларидан иборат.

### Товуш ва ҳарф

Она тили ўқитувчингиз айтганидек, тил-ифода ва алоқа, муомала воситаси. Ҳазрат Навоий ёзганидай барча яхшилик ва ёмонликлар тил орқалидир. Тилни билиш бу сизнинг энг катта ютуғингиз. Чунки, ҳар бирингиз билимли инсон бўлишни истайсиз. Ўша ўзингизга керакли билимни кўриб, эшитиш ва ўқишни тил воситасида амалга оширасиз. Маълумки, агар ибтидоий одамларда тил бўлмай ҳар бир кишининг тириклиги ўзининг кундалик тажрибасига асосланган бўлса эди, инсон шу пайтгача ҳайвон қандай яшаса, шундай яшаган бўлар эди. У бугунги маданий ва маънавий тараққиётга эришмаган бўлар эди.

Тилнинг моддий томони товуш бўлса, ёзувда ҳарфдир. Табиий тилларнинг ҳаммаси товушдан иборат. Тилшунос олимлар сўзи билан айтганда, ҳарф товушнинг замон ва масофасини кенгайтирувчи белги.

Товуш табиатан ҳаво тўлқинларидан иборатга ўхшайди.

Аммо тил товуши оғиздан чиқиб қулоққа эшитилади. Мана шу айтилиш ва эшитилиш жиҳатдан ҳар бир кишига хос. Бироқ, тил якка шахсга хос ҳодиса эмас. Киши болалигидан кимсасиз чўли биёбонда якка ўсса тил билмайди. Чунки, сўзлашиш учун кишилар орасида ўсиши муҳим аҳамият касб этади. Тилшунослар тил унсурларидан товушни табиий ҳодиса дейишади. Нутқий қобилият ҳам якка шахсга мансуб. Тил моҳиятан эса ижтимоий ҳодисадир.

Азиз талаба! Тилни чуқур билсангиз, илм олишда ҳам қийналмайсиз. Сиз ўз билимингизни оммалаштиришингиз, ўзгаларга етказишингиз ва ўз устингизда тинмай ишлашингиз, такомиллаштиришингиз мумкин. "Тил, илм олишда замон ва макон "тўсиғи"ни ёриб ўта олади. Тил туфайли энг қадимги маълумотларга эга бўламиз, ҳатто келгусига оид маълумотларни ҳам оламиз. Қоинот сирсир-синоатини ҳам сўз билан ифодалаб бериш мумкин".

### **Лотинчада саводингиз қандай?**

"Лотин ёзуви асосидаги ўзбек миллий алифбосига ўтиш ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Маълумки, ёзув туфайли кишилиқ жамияти қўлга киритган (ёзувлар) ютуқлар етиб келади. Тилсимотлар эшигини очувчи илм уммони ёзув туфайли юзага келади. Ёзув инсоният учун бирдек қадрли. Нега биз лотин ёзувига ўтаяпмиз, дейсизми? Бугунда лотин ёзувидан жаҳон аҳолисининг ўттиз фоизи фойдаланади. Энг ривожланган давлатлар аҳолиси шулар жумласидандир. Лотин алифбоси тилимизни ўзига ҳос хусусиятларини ўзида акс эттира олади.

Биринчи синфдан ушбу алифбода ўқиган ўқувчилар 2004-йил 10-синфни тугатишди. Мактаблар лотин ёзувидаги дарсликлар билан тўлиқ таъминланди, дейиш мумкин. Аммо ёш авлод билими ва саводхонлигини оширишда бу старли эмас. Ўсиб келаётган насл билимини кўтаришда бадиий, илмий ва кўплаб жабҳаларда адабиётларни лотин алифбосида нашр қилиш ўта муҳим вазифадир. Қолаверса, бу борада яна кўплаб иш қилишимизга тўғри келади. Айниқса, техника соҳасида дарсликларни лотин алифбосида нашр қилиш эса, ўта масъулиятли вазифа эканлигини қайд этиш дарқор.

## Хуснихат санъати

Имом Зарнужийнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик. Илмнинг улуғланишига юз тутадиган амаллардан яна бири - ёзувини озода, кўркам ва хуснихат билан ёзиши саналади. Бундан мақсад, ёзган ёзувларидан келажакда ўзи ҳам, бошқалар ҳам ўқиб фойдаланишларини таъминлайди.

Шунингдек, майда ёзмаслик, қисқартмаслик, фақат ўзига маълум бўлган белги ва ишоралар қўлламаслиги ҳам илмнинг ривожини учун зарур. Ёзганда эса, баъзи ишора ва аниқликларни киритиш ва майда ёзувлар қилиш учун хошия қолдиради.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.а) ҳазратлари майда ҳарф билан ёзаётган бир котибни кўриб, насиҳат қилган эканлар:

— Эй котиб! Майда хат билан ёзма! Ўзинггина билладиган қисқартмаларни киритма! Агар у узоқ яшаб қолса бир кун келиб, хатингни қўлга олсалар, сендан норози бўладилар, қаргайдилар.

Бу сўзнинг маъноси, агар улуғ ёшга етишни Аллоҳ насиб этса, қарилик неъматини ўз ҳикмати билан кўзингнинг нурини заифлаштиради ва ўзинг билган қисқартмаларингни ёдингдан кўтаради. Шунда ёзганларингни ўқий олмай, ўзингни маломат ва мазаммат қиласан. Бу ишингга надомат чекасан. Вафотингдан кейин, хатингни ўқий олмаган кишилар сендан ранжийдилар ва мазаммат қиладилар.

Шайхул ислом Мажидиддин Имом Сарахсий (р.а) ҳазратларидан ривоят қиладилар. У киши:

— Нимани майда ва қисқартириб ёзган бўлсак, келажакда унга надомат ва ҳасрат чекдик. Нимани ўзимизга танлаб олган бўлсак, унга ҳам ҳасрат ва надомат чекдик. Ниманинг қадрига етмаган бўлсак, шунингдек, нимани яхши-ёмонлигини фикрламаган бўлсак, шуларга ҳам кўп надомат чекдик, — деган эканлар.

Демак, талаба ўз хуснихати устида ишламоғи, хатига ҳамма вақт бошқалар ҳам тушуна оладиган бўлишига эришиши керак. Ниҳоят, ёзишда турли қисқартмалардан сақланмоғи, илм ва аҳли илмни ҳурматлаши ва улуғлаши вожибдир.





## КИТОБНИ СЕВ, БОЛАМ

Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни, ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

*Э.Лабум*

### Билимнинг жони ва юраги

Азиз талаба! Сенга бир қатор саволлар бермоқчиман. Охирги марта қайси бадиий китобни ўқиганинг эсингдами? Ҳозиргача қанча ва қандай китоб ўқидинг? "Шайтанат" ва "Дайди қизнинг дафтари"ни ўқидим. Булар маънавий оламингни бойитиш учун етарли деб ўйлайсанми? Қолаверса, қандай жаҳон адабиёти намуналаридан ўқидинг? Интернет орқали қандай янги маълумотлар олдинг? Бир-бир санаб бёр-чи? Нега жимсан?

— "Вақт йўқ. Ётоқхонада тураман. Дарсдан сўнг тирикчилик деганларидай. Сиз эса китоб ўқидингми?—деб сўрайсиз. Бош қашишга вақт йўқ-ку. Жуда чарчаб келаман. Овқатни ҳам зўрға ейман. Ҳатто дарсликларни ҳам ўқий олмайман. Интернет қаёқда? Имтиҳонда маъруза дафтарида ва курсдошим берган шпаргалка ёки китобдан керакли варағини йиртиб зўрға кўчираман. Эплаб кўчириб бериш ҳам санъат".

Фикрларинг мени ўйга толдирди. Сени олдинга қўйган мақсадингни англай олмадим. Имтиҳон варақасида исми шарифингдан ташқари бошқа сўзларингда имловий хатолар етарли. "Ҳуснихатинг" ҳақида гапириш менимча ортиқча. Ёзувингни "ажи-бужи"лигидан сўзларингга тушуниб бўлмайди. Фикрлаш, тафаккур доиранг тор.

— Ҳаётинг маъносини пул топиш ва қорин тўйгазиш деб ўйлайсанми? Эртага бир амаллаб ўқишни тугатиб, диплом олсам, бирон жойдан иш топарман, оч қолмасман,— дейсан шекилли?

Сенинг айтган фикрларинг бир баҳона холос. Излаганга имкон топилади. Китоб, хоҳ у бадиий, хоҳ техника соҳасида бўлсин, у маънавий хазина. Унга ошно бўлган киши маънан ўсиб илм эгаси бўлиб боради. Онги, савияси,

тафаккури кенгаяди. Ўзини ва ўзи яшаб турган дунёни қайта-қайта кашф этади. Энг муҳими, ур-сур, беҳаё филм ва интернет ўйинларидан сенинг дунёқарашинг бир биқик қобиққа кириб қолса, китоб эса маънавий ички оламингни эзгу гоялар билан бойитишга ҳисса қўшади. Интернет орқали керакли илмий маълумотларни олиш яхши, лекин унга ҳам маблағ керак. Неча фоиз талаба интернетдан фойдаланмоқда?

Стефан Цвейг таъбири билан айтганда, китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир. Бу фикримга қарши сен: "сизни мен билан неча пуллик ишингиз бор" демоқчисан, шекилли. Аслини олганда, миллатнинг бир вакили сифатида сенинг тақдиринг миллатнинг келажагидир. Сен қанчалик маънавий жиҳатдан ўссанг, катта ишлар сенга топширилган тақдирда ҳам миллат манфаатларини ўйлаб ҳал қиласан. Дунёқарашинг кенг, ақли одамлар катта муаммоларни ҳал қила оладилар.

### Сигарет керакми ё китоб?

Китоб—ақл қалити эканлигини ҳам унутма. Қолаверса, сенинг саволингга яна бир жавобим бор. Бир пачка ("PINE" 650 сўм) сигарет олишга пул топасан-у, бир дона бадий китоб ёки дарслик сотиб ол деса қовоқ соласан. Гўёки сенга "заҳарланиш" маънавий оламингни бойитишдан-да афзалроқдек. Ҳеч ўйлаб кўрганмисан?! Яшашдан мақсаднинг нима? Жавобинг тап-тайёр. Яхши инсон бўлиш учун дейсанми? Сенинг гапингга ҳам қўшилдиқ, дейлик. Ахир ўз-ўзидан яхши одам бўлиб қолмайсан-ку. Ёки кино кўриб, сууқоёқ қизлар ортидан чопиб, топган пулларингни ҳавога совуриб, сенга умид билан кўз тикиб турган ота-онани "ҳаммаси жойида" деб алдаб, сессияни ҳар хил йўл билан ёпиб, на дарслик, на бирон бадий адабиёт ўқимасдан яхши одам бўлмоқчимисан? Холва деган билан оғиз чучимайди. Сенинг орзуинг хом хаёлдан ўзга нарса эмас. Сен девор қурмасдан томни ёпаман деб чиранаяпсан, ҳаракатларинг зое кетади. Шуни яхши билиб қўйгинки, сен қай сабаб билан бўлса бўлсин — китобдан юз ўтириб, ўз-ўзингни беқиёс салтанатдан ҳайдаб, маънавий қашшоқликнинг, фикрий маҳдудликнинг, жаҳолат ва нодонликнинг совуқ эпкинлари ҳукмрон бўлган, саҳрои биёбонга бадарға қиласан. Шуни билгинки, китобдан,

маърифатдан, маънавиятдан юз ўгириб, сизлар келажакнинг бунёдкори бўлишдек буюк бахтдан ўзингизни олиб қочаяпсиз, — дейди сендайларга қаратиб қаҳрамонимиз Озод Шарафиддинов. Эътироз билдиряпсанми? Нима ишингиз бор? Китоб ўқимасдан ҳам таниш - билиш қилиб "мойли" жойга илашиб давру даврон суравераман дейишинг мумкин. Аммо сен ноҳақсан, нега дейсанми? Айшу ишрат, шоҳона хаёт, қанчалик ширин туюлмасин, аслида сенга ҳеч қандай наф келтирмайди. Қорин учун яшаб, номсиз нишонсиз ўтиб кетасан. Сенинг кайфу сафоларинг одамни йўлдан уришдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди. Хурматли талаба, шундай экан, вақтни бой берма, маънавий бойлик йиғ, китоб ўқи, интернет орқали илм изла, елиб-югур. Маънавий устоз этагидан тут. Ана шунда шуҳрат ва бойлик сени ортингдан югуради.

Бир хитойлик файласуфдан шогирди сўрабди:

— Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмаса, нима қилмоқ керак?

Мутафаккир деди:

— Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Энг аввало, китобнинг асосий моҳиятини англамоқ керак. Китобнинг маъзини чақсанг, ўзингни ҳам англай бошлайсан. Дунёда энг катта маънавий бойлик — китобдир.

## Илм манбаи

Имом Зарнужий таъкидлайдики, илм булоғи ва манбаи китобдир. Китобни эъозлаш, озода ва кўркам тутиш, фахр билан кўтариб юриш, покиза ва баланд жойларга қўйиш нафақат унинг хурматини жойига қўйиш, балки илмни улуғлашдир.

Китобни варақлашда китоб варақларини гижимлаб, буклаб, бармоғига туфлаб варақлаш номуносиб ишдир. Китоб ва дафтар устига жилд ва филоф тутиш мўътабар амалдир. Зеро, китобни улуғлаш илмни улуғлаш экан, талаба китобни ҳар вақт покланиб ушламоғи керак. Бу ишга одатланиши ўзига фойдадир.

Шайхул Ислому, Имом Халвоний ҳазратларидан ҳикоя қиладиларки, ул зот:

— "Мен бу ишга фақат уни ҳурмат қилиб эришганман!

Қоғозни доим таҳорат билан олар, бетаҳорат китобга яқин келмас эдим", — деганлар.

Шайхул Ислои, имом Сарахсий ҳазратлари кунларнинг бирида қорин оғриғи касаллиғи билан оғридилар. Ўша кечаси таҳоратларини такрор-такрор янгилаганлар. Хуллас, ўн етти бора таҳорат олган эканлар. Чунки, бу зот илмларни фақат таҳоратда қайтарар эдилар. Зеро, илм нурдир, таҳорат эса поклик ва нурдир. Икки нур бирига қўшилиб, нурлар янада зиёда бўлади. Таҳоратнинг нури илм нурининг зиёсини кўпайтиради.

Мутафаккир риоя этмоғи ниҳоят зарур бўлган амаллардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтадилар:

- узрсиз қиблага ва китобларга оёқ узатмаслик;
- тафсирга оид китобларни барча китобларнинг устига қўйиш ва уларнинг устига бошқа китоб ва бошқа нарса қўймаслик .

Шайхул Ислои, устоз Бурҳониддин Марғиноний Ҳазратлари ҳикоя қиладилар:

- Бир фақиҳ олим киши сиёҳдонини китоб устига қўяр эдилар. Шунда ул зотга форс тилида "Бар на ёбий, яъни ўсмайсан, камол топмайсан", — деган эканлар.

Бу борада Фаҳри Ислои, Қозихон номи билан машҳур, устоз Алийюи қори ҳазратларининг фикрлари диққатга сазовор.

Китобни хор қилган, менсимаган инсон хор бўлади. Китобдан юз ўтирган эртангги кундан ҳам маҳрум бўлади.

\*\*\*

Саҳл ибн Хорун айтади:

- Қалам кўнгилнинг бурнидир, у қачон қонаса сирларни дафтар юзига сочади ва асарларни юзага келтиради. Қалам қоғоз юзига гавҳар тизувчи асбобдир. Китоб бир боғки, ёзувлари унинг гулларидир.

\*\*\*

Муҳаммад Жабалдурий:

Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар бўстонининг чамани, оддий кишиларнинг тамошагоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикасталарга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дилига даводир.

"Бир дўстки ҳеч кимга бермаган азоб,  
Узоқ синаб кўрдим, билсанг у китоб.  
Сирни яширмайди ўқувчисидан,  
Хабар берар сенга ёзувчисидан.  
Хилватда сен билан бўлиб у улфат  
Жимгина қуради ёқимли суҳбат.  
Ҳеч кимдан қолишмас билимли аҳбоб  
Ундан сўрамасанг бермайди жавоб".

\*\*\*

"Оталар сўзи":

Кимки китобга кўп боқса, китоб унинг зеҳнини очади, завқини оширади, сўзга чечан қилади. Китоб ёлғизликдаги энг мунис ҳамдамдир. Китоб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам хабар берувчидир. Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолга етказади. Китоб одоб-ахлоқнинг кони, билимнинг эса булоғидир.

\*\*\*

Муҳаммад Жабалдурий:

Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фаросат, балоғотда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам "Китоб ақл қалъасидир", деганлар.

\*\*\*

Фавоқиҳ ал-Жуласо:

Абу Бақр ал-Хоразмий ўлим тўшагида эди. Ундан:

— Кўнглинг нимани хоҳлайди, иштаҳанг нимани тусамоқда?— деб сўрадилар.

— Китоб юзига бир қарасам, — деди у.



## СОҒ ТАНДА-СОҒЛОМ АҚЛ

Бахтли ҳаётнинг шарти нималардан иборат? Бахтли ҳаётнинг шарти-соғлом муҳитда эзгу умидлар билан яшайдиган соғлом, ёш авлод эмасми? Шундай экан, барча саъй-ҳаракатларимизни шу қутлуғ мақсадга йўналтиришимиз зарур. Лекин бу фақат давлат ё битта идора ёки алоҳида шахснинг иши эмас. Шунга айтишимиз керакки, бу бутун жамиятимиз, бутун жамоатчилигимиз зиммасидаги долзарб вазифа.

*Ислом Каримов*

### Соғлом муҳит — соғлом мафкура манбаи

Мустақил мамлакатимизда 2005 йилни — "Сиҳат-саломатлик", 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили деб эълон қилиниши ўзбек халқининг дилидаги иш бўлди. Бу, албатта, ўтган "Меҳр-мурувват" йилининг узвий давоми ҳамдир. Зеро, "Сиҳат-саломатлик", "Меҳр-мурувват" ва "Ҳомийлар" тушунчалари ўзаро маънодошдир. Бошқача қилиб айтганда, сиҳат-саломатлиги яхши бўлмаган одам меҳр-мурувватга муҳтож бўлгани каби, сиҳат-саломатлиги жойида бўлган одамгина меҳр-мурувват кўрсата олади. Демак, инсон ҳаётида, таъбир жоиз бўлса, тақдирда саломатлик муҳим ўрин тутаяди.

Учрашувларнинг бирида: "... жамиятда тинчлик, осойишталик, тотувлик муҳити ҳукм сурса, хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий бўлсин, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин" деган эди Президентимиз. Шу фикрга таяниб, "танда сиҳат-саломатлик, осойишталик муҳити ҳукмрон бўлса, инсон хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий бўлсин, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиши мумкин", — десак, балким хато бўлмас.

"Сиҳат-саломатлик" йили, энг аввало, тиббий маънода катта аҳамият касб этади. Бироқ унда бундан-да каттароқ ижтимоий маъно ҳам бор. Чунки, "сиҳат-саломатлик" тушунчаси аллақачон ўзининг тор тиббий маъно қобигидан чиқиб, "соғлом муҳит", "соғлом мафкура", "соғлом фикр",

"соғ ақл" каби ижтимоий ҳолатлар учун ҳам қўлланиши одат тусига кирган. Бу ўринда мисол учун "Маҳалла — соғлом ижтимоий муҳит масканидир", "Оиладаги соғлом муҳит — соғлом мафқурани шакллантириш манбаидир" кабиларни эслаш kifойадир.

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифаларни ҳал қилишда ёш авлоднинг саломатлиги, жисмоний ва маънавий камолоти foят муҳим омилдир. Буни чуқур англаган республика раҳбарияти ўз вақтида бир қанча тадбирларни амалга оширганлиги маълум. Демокчиманки, Республика Президентининг 1993 йил 4 мартда "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этиш тўғрисидаги, ўша йилнинг 23 апрелида "Соғлом авлод учун" Халқаро ҳайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонлари эълон қилинди.

### Соғлом авлод орзуси

Асосий мақсад — келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиб беришдан иборат. 2005-йилнинг "Сиҳат-саломатлик" ва 2006 йилини "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги вазифаларни амалга ошириш йўлидаги яна бир катта қадам, инсон саломатлигини таъминлаш йўлидаги гамҳўрликнинг яна бир ёрқин далилидир, десак муболаға бўлмайди.

Аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида кўриладиган ижтимоий, иқтисодий ва тиббий тадбирлар тизими ҳисобланган соғлиқни сақлаш инсон фаолиятининг энг олижаноб соҳаси ҳисобланади, у давлат иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Касалликларни ўз вақтида аниқлаш, самарали даволаш ва уларнинг олдини олиш жамиятнинг меҳнат ресурсларини сақлаб қолиш имконини беради. Шубҳасиз, "Сиҳат-саломатлик" йилида амалга оширилган ва "Ҳомийлар ва шифокорлар" йилида қилинадиган кўп хайрли, кенг қўламли ишлар, тадбирлар келажак авлод учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Бу тадбирларни амалга ошириш учун эса давлат томонидан тегишли миқдорда маблағлар ажратилди.

Соғ танда соғлом ақл. Бу чақирқиқни инсонларга, лекин

кўпроқ ёшларимизга тегишли десам муболаға бўлмайди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Барча институт - университетларда, шу жумладан, бизнинг олийгоҳда ҳам баъзи ёшларимиз дарс қолдирадилар ва уларга кўнгли бўш шифокорларимиз 1-3 кунга касаллик тўғрисида маълумотнома ёзиб берадилар. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, бу маълумотлар аксарият ҳолларда сохта, ёки турли йўллар билан олинган бўлади. Лекин бундай "шифокорлар"нинг юзи шувут бўлмапти-ку. Қачонгача бу ҳол давом этади? Талаба — навқирон йигит ва қиз нима учун тез-тез "касал" бўлиб қолмоқда ва қинғир йўлга кирмоқда. Ота-она эса унга сохта "касаллик маълумотномаси" олиб бермоқда.

2005 — "Сиҳат-саломатлик" йили муносабати билан барча талабалар махсус тиббий кўриқдан ўтказилди. Ҳаммаси — соғ. Демак, дарсларга 100% талаба келиши керак. Албатта, иссиқ жоннинг иситмаси чиқади. Касал бўлганда ўтказмасдан, ўз вақтида даволаниш лозим. Ибн Сино таъбирича тиббиётнинг асосий вазифаси, "инсон соғлиғини сақлаш, агар касаллик пайдо бўлган бўлса, бу касалликни келтириб чиқарган сабабларни, уларни йўқотиш орқали соғлиқни тиклашдан иборат".

### **Энг аввало саломатлик**

Институтларда ўндан ортиқ спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди. Бунинг учун маълум маблағ сарфлаб заллар ижарага олинган. Эшик доимо очиқ; албатта хоҳловчиларга. Лекин, назаримда хоҳловчилар етишмаяпти. Бу ҳам ташвишли ҳодиса.

Соғлиғини ўйлаган талаба албатта жисмоний тарбия билан шуғулланиши шарт, акс ҳолда, секин-аста ёшлигиданоқ қарий бошлайди. Ибн Сино саломатликни таъминлашнинг самарали усулларида бири сифатида бадан тарбияга урғу беради. Улуғ ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний "Шайхурраис" фикрини ривожлантириб, ёзадики, баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозим. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда камчилик қилурлар.

Танингизни саломат сақланг. Бунинг учун спорт билан шуғулланинг. Соғ баданга соғлом ақл муносиб. Албатта



"Саломатликни сақлаш бу ўзимизнинг олдимиздаги виждоний бурчимиздир. Алломалар саломат бўлай десанг куйидагиларга амал қил дейишади:

— Ҳар қандай шароитда ҳаддан ташқари ёки меъёрсизликдан қоч.

— Соф ҳаводан фойдалан.

— Баданингни кўпроқ ҳаракат қилдир.

— Меҳнат қил ва машқ қил, яна кўпроқ пиёда юр.

— Ёйиш-ичишинг меъёрида бўлсин, оддийгина ва бир хил сув ич.

— Бадан тарбия ва спорт билан кунт қилиб ва мунтазам равишда шуғулланиш узоқ давом этадиган ёшлиқдир.

— Тани соғлом бўлган киши иссиқ ва совуққа ҳам бардош бера олади. Руҳий соғлом киши қаҳр-ғазабга ҳам, ғам-кулфатга ҳам бардош бера олади.

"Аллоҳнинг мўъжизаси" китобида ёзилишича, агарда инсон кунига бор-йўғи ўн дақиқа бадан тарбия машғулотлари билан шуғулланса, у бир дақиқада юрагининг 10 марта уришини "тежаб" қолар экан. Шу йўсинда бир йил мобайнида юракнинг 500000 марта уришини қисқартириш мумкин бўлар экан. Ана шу оддий усул билан кўплаб юрак-қон томир касалликларидан ҳоли бўлиш, юракни соғлом қилиш, инфарктдан "сақланиш" мумкин.

Азиз талаба! Юқоридагилардан хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола. Билимга, илмга эга бўлсанг, олам сеники.

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдир. Ичкилик, кўкнор, наша, афюн, тарёк, чилим, нос, папирос каби баданнинг саломатлигига зарарли, баъзиси харом, баъзиси макруҳ, баъзиси исроф бўлган нарсалардан қочмоқ, сақланмоқ шарият, ҳикмат юзасидан лозим. Касалванд талабада ақл ривожланиши ҳам суст кечади. Уни доим уйку босади. Дарс пайтида ҳам мудраб ўтиради. Бундай талабадан жамиятга на фойда? Бундай талабаларнинг онгини заҳарлаш ҳам оппа-осон. Бунинг учун чет эллик "ҳомийлар", "фондлар" бир суҳбат куриб, оз-моз "кўкидан" кундалик харажатлар учун чой пули деб берса, вассалом, лаққа тушади. Энди бизнинг носоғлом талабамиз ҳомийнинг истаган мусиқасига шох ташлайди. Бу ишларга асло йўл қўйиб бўлмайди, талабанинг бўш вақти бўлмаслиги лозим. Бу ишга масъул — Устоздир.

## Тўрт карра йўқ!

Яна бир мулоҳаза. Мен "Ёшлар" телеканали орқали намоёиш этилаётган "4 карра йўқ!" марафонини барча талаба-ёшлар кўришини хоҳлардим. Агар улар ҳақиқатан ҳам "Чекишга — йўқ!", "Ичишга — йўқ!", "Наркотик моддалар истеъмол қилишга — йўқ!", "СПИДга — йўқ!" деб жавоб бера олсалар, сиҳат-саломатлик борасида муаммо бўлиши мумкин эмас. Бу ғоят жиддий масала. Чунки, гап миллатимизнинг генофонди ҳақида бораётганини унутмаслик зарур.

Сиз билан соғлом турмуш ҳақида суҳбат курсак: қани айтинг-чи, ҳозирги кунда ҳар бир талаба эрта тонгда туриб машқ, гимнастика билан шуғулланадими? Афсуски кўпчилик эмас! Олийгоҳимизнинг талабалар уйида бунга ҳаракат қилинмоқда, маълум натижаларга ҳам эришилган. Бу талабалар умумий сонининг 15 фоизини ташкил қилади, холос. Улар 400 киши. Қолган талабалар нима билан машғул... Эрта билан туриб, апил-тапил юз-қўлни ювиб, соқолни олишни ва галстук тақишни эсдан чиқариб, тамадди қилмасдан дарсга чопадиган талабалар кўп учрайди. Улар носоғлом талабаларми? Ҳақиқий талаба дарсга икки соат қолганда уйғонади, 15 минут жисмоний тарбия билан шуғулланади. 15 минут ювинади, соқолни олади, 10 минут нонушта қилади. Автобус (троллейбус, метро, ёки трамвай) тўхташ жойига 5-10 минут олдин келади ва ўқитувчисидан 5 минут олдин аудиторияга кириб ўтиради. Ўзи билан керакли дафтар, китоб, ручка, қалам, ўчирғич олиб юради, папкаси бўлади.

Вазифа: талабалар билан мунтазам, якка тартибда иш олиб бориш, тарбия бериш жараёнини янада такомиллаштириш зарур. Бундай тизим яратилганми? Ҳа, кўпгина институтларда кейинги йиллар давомида "Маънавий устоз", "Устоз-шоғирд" тизими шаклланди. Низомга мувофиқ ҳар 8-10 талабага устоз тайинланган. Устоз талабалар тарбиясини, онгининг шаклланишини, жамиятда ўзини тутишини бошқариб, ўз ўғли ва қизидек меҳрибончилик ила тарбиялайди. Жамият олдида жавобгар шахс бўлган Устоз ишига қараб рағбатлантирилади. Қани эди барча Устозлар бу улуғ номни оқлаб ишласалар.

## СПИДга йўқ!

Бани башар ҳаётига хавф солиб турган энг хатарли иллат — СПИД касаллигидир. СПИД (ОИТС) орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллиги дарди бедаво, ҳозиргача унга бирор бир чора топилмаган.

СПИД касаллигини келтириб чиқарувчи асос — зино яъни фақш.

Азиз талаба, бузуқчилик кўчасига кириб, ҳеч ким кўкармаган. Зино ишингда ҳам, ўқишингда ҳам, оилангда ҳам баракани ўчиради. Фоҳишаларга илакишсанг, қўлингдан пулинг ҳам, обрўйинг ҳам кетади. Енгилтаклик кўчасида кезгандан кўра, ўз ҳиссиётингни жиловла. Агар сен ўзингни идора қила олмасдан бу кўчага кирсанг, бир онлик лаззат деб — боқий гуноҳи азимга гирифтор бўлиш, ўз-ўзингни бадном қилишдан бошқа илож топмайсан.

Азиз ўғлим! Эгри қилмишларингни "йигитчилик"да деб ўзингни оқламай кўяқол. У аслида пасткашлик, нотовонлик. Чунки кўзингиз очиқ бўла туриб, бунга қўл уришингиз кўрнамаклик бўлмаса, нима ўзи? Ақлли бўлган одам зинҳор-базинҳор бу кўчага кирмайди.

Сиз... "лаззатбахш" зино орқали гуноҳ орттириш билан бирга балоибад "СПИД" каби касалликларни ҳам юктиришингиз мумкин. Қадамингизни билиб босинг. Сўнги пушаймон — ўзингга душман. Ичкиликбозлик, ёлгончилик, фақш — бу инсонни инсонликдан чиқарувчи иллатлардандир. Навоийнинг қуйидаги таъсирчан сўзларига қулоқ тутинг-а?! "Бири шуки, бунча панду ва маломату-айблаш ва онту қасамлар билан одам хушёр бўлмаса, бир неча изо ва азоб билан ҳам бўлмайди... Шуниси ҳам борки, сен ҳар қандай беқоидалик қилганингда, ўшанга яраша сазо ва жазо олгансан... азиз инсонларнинг кўнгилларидаги ранж ва изтиробларнинг ҳам ҳар бири аслида юз ўлимдан ортиқроқдир" (Навоий "Муншаот" 84-бет). Янада содда қилиб айтганда, ота-онангиз ва устозларингиз кўзини шамғалат қилиб, бу қинғир кўчага киришингиз уларни алдаш ва кўнглини чил-чил синдириш билан баробар. Чунки улар сизнинг яхши бир инсон бўлишингизни хоҳлашади. Фурсат ганимат. Ақлингизни йиғинг, илм эгалланг. Ҳақиқий лаззат ҳам, омад ҳам бахт ҳам илмда.

Албатта, ҳалол ишлар — фойдали; ҳаром қилинган ишлар эса қони зарар эканлигини бугунги ҳаётнинг ўзи яна бир бор исботламоқда.

СПИД одамдан-одамга қандай юқади демоқчимисиз? Юқорида айтганимиздек, биринчи навбатда зино (жинсий алоқа) орқали.

Тиббий маълумотларнинг кўрсатишича, ВИЧ вирусининг тарқалиши фоҳишалар ўртасида жуда юқори (80-90 фоиз) эканлиги аниқланган. 30 фоизи—хотинбозлар, 30 — фоизи венерологик бўлимларга қатнайдиغانлар, 10 фоизи вирус ташувчи ҳомиладорлар, муайян бир қисми гиёҳвандлар орқали тарқалиши аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган хабарларга қараганда, 2001 йилда сайёрамизнинг уч миллион аҳолиси ОИТСдан вафот этган. 40 миллион нафардан зиёд киши эса ОИВ инфекцияси юқтирувчилари ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш пайтида шприцлар орқали захарланган.

"Одамлар огоҳ бўлинлар" рисоласида бу балои баднинг юқиш йўллари кўрсатиб берилади:

- жинсий алоқа қилиш йўли билан;
- зарарланган игна билан инъекция қилиш орқали;
- онадан болага ҳомиладорликда туғиш ва эмизиш жараёнида;
- сперма орқали (жинсий алоқа, сунъий уруғлантириш);
- қон ва қон элементлари орқали;
- донорлик аъзолари ва тўқималари орқали, буйрак, тери, соч, суяк кўмиги, кўз шоҳ пардаси, юрак қоп-қоқлари, пай ва бошқалар орқали юқиши мумкин.

Бундан ташқари, тиббиёт ходими игна орқали жароҳатланганда ўзида вирус тутувчи қон томчилари ёки организм суюқлигидан тери ҳамда шиллиқ пардага тушганида юқиши мумкин.

СПИДга шу пайтгача чора топилмаган. Аммо, бу балоибадга қарши кураш ва ундан сақланишнинг ягона йўли поклик ва ҳалоллик эканлигига урғу бермоқчиман.

ЖССТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) маълумотларига эътибор беринг-а, СПИДга чалинганларнинг аксарияти фоҳишалар, хотинбозлар, баччабозлар ва гиёҳвандлардир. Шунинг ўзиёқ, ҳаром-хариш йўллар

фожиали эканлигини кўрсатиб турибди. "СПИД вирусини нафақат организмдаги иммунитетни издан чиқаради, шу билан бирга у бош мия ҳужайраларини ва орқа мия суюқлигида ҳаёт кечириб, кўпайиб мияни атрофияга учратади, оқибатда инсон одамийлик қиёфасини йўқотади. "Хасталик 100 фоиз ўлим билан тугайди. Касаллик белгиси юзага чиқиши билан ўлим содир бўлиши мумкин...

Ҳеч қайси халқ ва ирқда ВИЧ инфекциясига қарши тиббий организмнинг ўзини-ўзи муҳофаза қилиш қобилияти, қуввати йўқ деб тан олинган".

Маън қилинган ишлардан, шундай жирканчлиларидан бири зинодир. Яъни: "Зинога яқинлашманг! Чунки у бузуқлик ва ёмон йўлдир".

"Яқинлашманг!" деган сўзда кенг маъно бор. Зинога яқинлашмаслик — ундан сақланишдир. Қолаверса, кўз, қўл, кулоқ ва бошқа аъзолар зиносидан ҳам эҳтиёт бўлиш.

Қолаверса, ароқ ичиш — ҳаром, уни тайёрлаш ҳам ҳаром. Шунингдек, зино ҳаром, унга олиб борувчи барча сабаблар ҳам ҳаромдир.

Айтиш лозимки, ахлоқий бузуқ, зинокор ўз нафси домига тушади. Шаҳвоний ҳирс қулига айланади. Ўткинчи "лаззат" деб ўзини турли касаллик ва маломатларга, охиратда эса аламли азобга тутиб беради.

Зино яширса-яширмасида ўз оиласига ҳам хиёнатдир. Чунки, жуфти ҳалоли унга ишониб, садоқат билан муомала қилса-ю, турли ифлос йўлларга кириб, кўзига чўп суқса бу хиёнат бўлмай нима? Борингки, у ўзига юқтирган касалликни бегуноҳ жуфтига ҳам юқтириши ҳеч гап эмас. Бу эса ката фожиадир.

### **Гиёҳвандликка йўқ!**

Гиёҳвандлик бу бангилик ва қарахтликдир. Атамани таржима қилсак, у наркотик ҳолатидаги одам маъносини беради. Янада содда қилиб айтадиган бўлсак, у шайтоний кайф оғушида ўз ихтиёри билан ўзини бадном этишдир. Гиёҳвандлик — иродасизлик ва танбаллик меваси. "Уни мунтазам қабул қилган одам" руҳан ва жисмонан издан чиқади ва инсонийлик қиёфасини йўқотади. У ўлим сиртмоғи, ўз-ўзини била туриб ажалга тутиб бериш, ўлдириш. Мутахассисларнинг айтишича, гиёҳвандликнинг

олий препаратлари — наркотиклари вена қон томирига юбориш йўли билан қабул қилинса, сифилис, гепатит биринчи галда, СПИД касаллигини келтириб чиқаради. Оқибатда организмнинг ҳимоя қуввати — иммунитет пасаяди, инсон заиф ҳолатга келади. Бангилар гарчи қонларини алмаштира ҳам яна қайта соғлигини тиклай олмайди.

Гиёҳвандлик ақлсизликни келтириб чиқаради. Энг хавфлиси, бу "қора ажал" ўз домига тушган ҳар қандай кимсани кулига айлантиради.

Нима бўлганда ҳам ушбу беъмани йўлга қадам қўйишнинг сабаблари иродасизлик, кайф-сафога ружу қўйиш ва ҳаётнинг асл маъносини тушунмасликдир.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан то биз яшаётган ҳозирги кунимизга қадар бутун Ер юзи бўйлаб гиёҳвандлик балоси асримиз вабоси сифатида тез суръатлар билан "қулоч ёймоқда". Разолат манбаи гиёҳвандлик дунёда катталардан тортиб, ёшларгача, эркагу аёллар ўртасида баробар идиз отиб, палак ёзаётганлиги ҳаммамизни ташвишга солади.

Гиёҳванд моддага муккасидан кетган кашандалар: ухлай олмаслик, сустлик, аъзойи баданнинг оғриши, иштаҳасизлик, гамгинлик, кўзнинг ёшланиши, титроқ, увишиш, томирларнинг бўртиб чиқиши, юрак оғриши, кўнгил айнаши, қайт қилиши ва бошқа ҳолатларга дучор бўлади. Яна энг даҳшатлиси тиббиётчиларнинг айтишича, гиёҳвандлик моддаларини игна орқали олиш кўп ҳолларда СПИД касаллигини келтириб чиқариши ҳам мумкин экан.

Ўз навбатида нашаванд ўз оиласининг шўрини қуритади. Ул-бул нарсани сотиб чекади, қарзга ботиб чекади, бировга ялиниб ёлвориб чекади. Жамиятнинг асосий ҳужайраси оила оқибатда хонавайрон бўлади, бузилиб кетади. У соғлом бўлса, жамият ҳам соғлом, агар у касалланса, жамиятнинг пойдевори дарз кетади.

### **Ичишга йўқ!**

Ёшлар, илм эгалланг, ҳаром йўлларга кирманг, барча фойда — илмдандир. Алишер Навоий Бадиуззамон Мирзога ёзган мактубида ("Муншаот") насиҳат қиладики, "Ҳеч бир иш Аллоҳ қайтарган ишдан ўзини сақлаш, ичкиликни тарк этишча бўлмас... "Ва чоғирни "ёмонликлар онаси" дейдилар.

Ҳамма ёмонлик ундан ҳосил бўладики... Саломатликни ҳеч бир неъматга алмашиб бўлмайди. Яна бир сўз, Аллоҳ таоло ичкиликдан тийинишни ўзи насиб этсин... Ишратхона, фоҳишахона, қиморхона каби шариятга зид ишлар тамоман маън қилинса" дея, ёш шаҳзодани ҳаром амаллардан сақланишга чақиради. "Саломатлик — туман бойлик" — дейди Юсуф Хос Хожиб "Кутадғу биликда" ва ароқхўрликни қоралайди.

**Гар ичса киши май, шалоқ маст бўлур,  
Сири фош бўлур, иши ҳам суст бўлур.  
Билимли май ичса, билимсиз бўлур,  
Билимсиз май ичса, тубдан паст бўлур.**

Шу ўринда Умар Хайёмнинг фикрини тингланг:

**Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,  
Майдан ечилмаган бирор тугун ҳам,  
Бир қулғум май ичган бўлсайди шайтон,  
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам.**

Дарҳақиқат, йигитни уч нарса бадном этади. Биринчиси ичкилик, иккинчиси ёлғончилик, учинчиси эса хотинбозликдир. Ичкилик ақлни издан чиқаради, кишини тубанликка ва хору зорликка бошлайди. Шунинг учун уни шайтон суви деб бежизга аташмайди. У шишадан чиқса, уни истеъмол қилган кишининг обрўйини ер билан битта қилади. Дастлаб шер қилади, кўп ўтмай итдек хор ва тўнғиздек бадхулқ қилади. "Аллоҳнинг 77 мўъжизаси" рисоласида С.Фахриддин ўғли ичкиликбозликни энг жирканч иллат сифатида тасвирлайди. Алкоголдан (спиртдан) ўткир ва сурункали заҳарланиш келиб чиқади. Ўткир заҳарланишда, яъни бир йўла ичганда унинг қондаги концентрациясига қараб қуйидагилар юз беради. Агарда 1 литр қонда 2 гр (яъни 100-200мг %) спирт бўлса, инсон рўйирост маст ҳолга тушади; 4 гр бўлса (200-400мг %) мастлик чуқурлашади. Организмда ва кишида катта ўзгаришлар бўлади. 8 гр бўлса, одам ўзини бошқаролмайдиган ва назорат қила олмайдиган наркоз ҳолатига ўтиб эс-хушидан айрилади ва спирт, нафас ва юрак томирларини фалажласа оқибатда ўлим содир бўлиши мумкин.

Сурункали заҳарланиш. Бунда шахс спиртни қиттай-қиттай, тез-тез, сурункали ичиши натижасида одатланиб қолади. Чунки, айна пайтда спирт ҳужайра ва тўқималар

ичидаги моддалар алмашинувида (метаболизмида)ги иштироки оқибати ўлароқ, организм спиртни "сўрай бошлайди", ароқхўр ичидаги "шайтон" қистови билан ичмасдан туролмайдиган бўлиб қолади. Ичкиликка ортиқча ружу қўяди, ичкиликбозликка, алкоголизмга (ёмон оқибатли касал) дучор бўлиб қолганини ўзи билмайди. Чунки унинг ақли анчайин заифлашиб қолади. Ақли заиф киши одамлар ўртасида ўз хурматини йўқотади.

1. Кишининг қиёфаси, ташқи кўриниши нурсизланади, озиб-тўзиб кетади, териси қуриб, қорамтир тус олади.

2. Спиртли ичимлик "зўри билан" жигарнинг ўнлаб фаолиятлари бирин-кетин бузила бошлайди. Жигар яллиғланишидан "Гепатит" (сарик касаллиги) келиб чиқади ва кейинчалик "жигар циррози" кузатилиб, жигар раки ҳам "дунёга келиши" мумкин.

3. Алкогол таъсирида юрак ишдан чиқа бошлайди.

4. Меъда ҳамда 12 бармоқли ичакларнинг функцияси бузила бошлайди. Гастрит, энтерит, меъда ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги, рак касаллиги келиб чиқади.

5. Энг муҳими бош мия марказий тизимида, биринчи галда мия пўстлоғида катта ўзгаришлар пайдо бўлади. Ақлеизлик, галлюцинация, "оқ алаҳлаш" (белая горячка) номи билан аталмиш, жуда оғир касалликнинг барча белгилари пайдо бўлади.

6. Ҳаммадан ҳам хавфлиси этил спирти наслга, ҳомилага, эмизикли болага ёмон таъсир қилади.

7. Алкоголик ҳам ақлан, ҳам жисмонан бутунлай издан чиқади. Бундай афеусланарли мисолларни яна давом эттириш мумкин. Ҳаётда кўпгина ота-она, баъзида эр ва хотин ичкиликка ружу қўйиши мумкин. Ичкиликбозлик инсонни одамийлик қиёфасидан чиқаради. Оила бузилади, атроф-теварақдан, жамоатдан "узилади".

Ичкиликка ружу қўйган киши аввало топган пулини, сўнгра бор нарчасини сотиб ичади. Уйда "қоққани қозиқ, осгани хурмача" қолмайди. Ишда барака бўлмайди. Касаллик варақаси (бюллетен) кўпаяди.

Азиз ёшлар! Спиртли ичимликларни ичманг, ундан узоқ юринг, хазар қилинг. Ароқ — харомдир.

Муҳаммад Шариф ал Бухорий "Фавоиди ҳақоний"да ёзади. Махфий қолмасинким, ароқ харомдир.



Ароқ тўғрисида ҳукмлар кўп. Бири шуки, унинг айнан ўзи харом, масалан, сийдик каби: иллат чиқариши ёки маст қилиши учун эмас. Унинг баайниҳ харомлиги Аллоҳ китоби, Расулининг суннатлари ва ижмоъ орқали собит бўлган... унинг бир қатраси ҳам ҳаром... одам сийдиги каби нажасдир... Ароқни даво сифатида ичиш бордию мусулмон ҳозиқ табиб бу дардга ароқдан бошқа даво йўқ, — деганда ҳам, мўътабар фатвога мувофиқ ҳалол эмас. Зеро, ҳазрати ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳаромдан шифо олишни маън қилган.  
(*"Фавоиди Ҳаққониййа" Т: Адолат 1995 й. 40, 42 б*)

Ароқ ичманг. Ароқ соғлигингизни емиради, асабни бузади, обрўйингизни-ку бир пастда ҳавога совуради. Энг даҳшатлиси, бу наслни бузади. "Донишманд малика ва унинг 1001 саволи" китобида сиз учун ибрат бўлурли савол-жавоб бор.

Малика сўради:

— "Қайси беш нима, беш нимани ейдур?"

Донишманд айтди:

— "Ғам-ғамни, ёлғон сўз-ризқни, тавба-гуноҳни, садақа-балони, шароб-савобни ейди".

"Баъзилар ичкилик ичаётганларида, Худонинг ўзи кечирсин", — деб қадаҳ кўтарадилар. Бу Тангри таолонинг меҳрибонлиги ва марҳаматли эканлигини суистеъмол қилиш ёки билиб туриб гуноҳ қилиш эмасми?

Яна қайтараман: ичкиликбозлик ҳам умр заволи. Бу иллатни истеъмол қилган кимса ҳам ўз томирига ўзи болта уради. Қандайдир ўткинчи, бир лаҳзалик "кайф" деб ҳаёт мафтункорлигидан юз ўтирманг. Ўз-ўзингизни шармандаи шармисор қилиш билан нимага эришмоқчисиз?! Бу билан икки дунё саодатидан "қуруқ" қоласиз-ку, ахир?

### **Чекишга йўқ!**

Азиз талаба! Гарчи сотиб олаётган сигаретинг қутисида "Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради. Чекиш соғлиқ учун хавфли" деб ёзиб қўйилганини билсанг-да, соғлигингга "зиён" сотиб олаётган бўлсанг-да, чекасан. Қадимдан чекиш соғлиққа оғир асорат етказувчи восита сифатида қораланиб келинади. Аммо, афсуски, ҳеч қандай қўрқинчли ҳолат, қоралашлар қайсар чекувчиларни бу йўлдан қайтара олмайди.

Маълумотларга қараганда, 40-59 ёшли эркак кашандалар ичида худди шу ёшдаги чекмайдиганларга қараганда тўсатдан ўлим ҳодисаси 3-4 марта кўп учрайди. Чекиш умрни қисқартирувчи омиллардан бири.

Сурункали бронхит касаллиги чекувчиларнинг барчасида учрайди. 30 ёшлар атрофида бўлган чекувчилар орасида дастлабки инфаркт икки марта тез содир бўлади. 20-50 йилдан буён чекиб келаётган "ашаддий кашандалар"да ўпка раки чекмайдиганларга қараганда 10-20 марта, оғиз бўшлиғидаги рак 10 марта, ошқозондаги рак 4-5 марта кўп пайдо бўлади. Бас шундай экан, бугундан чекишни ташланг, соғлигингизни ўйланг. Соғлиқ—баҳосиз неъматдир. Уни йўқотсангиз қайта топиб бўлмайди. "Ўзини асрагани Худо асрайди" деган ҳикмат бор. Сиз чекиш билан ўз-ўзингизни касалликка тутиб бераяпсиз ва умрингизни сигарет қайчиси билан қирқиб ташляяпсиз.

Эй, айрим чекувчи қизлар. Тунов куни (сизни ўзбек қизи бўла туриб), чекиб турганингизга кўзим тушди. Сиз ўз уят, шарм-хаё, ифатингизни ҳам тамакига қўшиб чекиб юборганингиздан уялиб кетдим. Эсингизни йиғиб олинг, чекишни ташланг. Швеция олимларининг аниқлашича, чекиш, кўплаб касалликлар, жумладан диабет касалигини келтириб чиқаради. Қандай қилиб дейсизми? Ёш қизларимиз — бўлажак оналар ўзининг кашандаллиги таъсирида туғилган болаларни умр бўйи семизлик билан "курашиб" яшашига олиб келади. Демокчимизки, чекиш ҳар тарафлама зиён, заҳмат ва зарарлар, касалликлар калитидир. Навоий ароқ (чоғур)ни ёмонликлар онаси дейди. Мен бунга сигаретни ҳам қўшган бўлардим. АҚШнинг қайси бир штатида сигарет тутуни ҳавони ифлослаши сабабли чекиш таъқиқланибди. Ҳатто кашандалар уй сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этилибди. Америкада бир фалсафа бор: хоҳлаган ишингни қил, лекин бировга зараринг етмасин. Кашанда сигарет тутатса, ўзи тугул атрофдагиларни ҳам "зиён"дан қуруқ қўймайди. Бу чекишнинг инсон саломатлигига зарар эканлигини, унинг харом эканлигини тасдиқлаб турибди.

**Кашанда тақдир охир шул бўлди,  
Тамаки мисоли ёниб қул бўлди.**

**Ёлгон гапирманг.** Эсингизни йиғинг. Ёлгон гапирсангиз, инсонларни алдасангиз улар сизга ишонмай қўяди. Навоий ўз тугинган ўғлига ёзган мактубида ёлгончиликни қоралайди. "Юриш-туришингдаги яхши ишлар бузукликка айланди. Насихатни кулоққа олмадинг ва панд билан маломатни кўнгилга олмадинг ва душманларнинг ҳам шиддату ярамасликларини аниқ ва киноя билан эшитмадинг ва уларнинг ҳам огоҳлантириш ва таҳдидини эсламадинг ва яна Ҳақ Субҳонаху Таолога тавбалар қилиб, аҳдлар боғлаб, онглар ичиб, сўнгра уларнинг барчасини бузиб, Тангри Таолодан кўрқмадинг. Энди на сўзингга, на аҳдингга, на ваъдангга, на онтингга ишонч қолди. Негаки, ҳар қайсисининг ёлгонлигини бир неча бор намоён этдинг". ("Муншаот" 83 бет). Навоий ҳақ. Одамлар ишончини йўқотиш ва алдов кўчасига кириш — ўликлар сафидан жой олиш билан баробар. Инсон бахти — унга ишонган одамларнинг ишончини қозониш ва оқлашда.

\*\*\*

**Ичкилик.** Ёир донишманд сира май ичмас эди. Бир куни ёру дўстлари ундан сўрадилар:

— Эй, донишманд, нечун май ичмайсан?

Донишманд деди:

— Менинг ақлимни ичадиган нарсани мен сира ҳам ичмайман.

\*\*\*

**Зўрлаганининг жазоси.** Подшоҳ ичкиликбозлик кўчасига кирмаган бир ҳақимга шароб ичирди. Ҳақимнинг кайфи ошиб қолиб роса сайради, оғзига келганини қайтармади, бемаъни сўзларни айтди. Ўзига келгандан кейин мажлис аҳли унга маломат қилдилар ва не сўзларни айтмадинг, деб уялтирмоқчи бўлдилар.

— Мен гапирганим йўқ, — деди ҳақим уларга, — менинг оғзимдан нимаики чиққан бўлса, у гапларни менга шароб ичирган киши айтди.

(Фахриддин Али Сафийнинг "Латофатнома"сидан)



## ЎЗ-ЎЗИНГНИ ИСЛОҲ ҚИЛ

Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир. Бахт-саодатга эришув ва туғма қобилиятларининг ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтожлик туғилади.

*Абу Наср Фаробий*

### Юқумли иллат

"Агар сен қуёш бўлишни истасанг камолот касб эт, — дейди Алишер Навоий Шаҳзода Ғариб Мирзога йўлаган мактубида, — Камолот касб этганингдагина сенга ҳеч қандай укубат юзланмайди. Кимки ўқиш, изланишдан эринса, илм аҳли олдида ўзи ҳижолат бўлиб қолади... Кимки олимларга таъзим қилса, у гўё пайғамбарларга таъзим қилгандек бўлади". Албатта, илм — бахт-саодат манбаи. Кимки, қанчалик кўп илм сир-асрорларини, синоатларини эгалласа, у шунчалик комиллик поғоналаридан бирма-бир кўтарилиб боради, ва ниҳоят Навоий айтганидек, камолот касб этади.

Эй азиз талаба! Бугун яна қўлингда китоб кўрмадим. Яқин ўртада ўқиганларингни ҳам эслай олмадинг. Илмий адабиётларга ҳам, кўз югуртирмай қўйганингга ҳам анча вақт бўлди. Қўлингда портфел ҳам йўқ, унинг ўрнига умумий дафтар: унга ҳам домлаларнинг барча фанлардан маърузалари чала-чулпа ёзиб олинган. Кафедралар билан илмий ҳамкорликларинг эса умуман йўқ, ёки омонат кўприкни эслатиб турибди. Ўлганнинг кунидан домла журналга "нб" қўймасин деб номигагина келиб кетаяпсан, шекилли. Ўқишни бир амаллаб "3"га тугатиб, жуфтакни ростласанг, дўппингни осмонга отсанг — қандай "БАХТ"?

Наҳотки, шу қадар лоқайд, гофил ва дангаса бўлсанг?! Сен келажакка билимсиз, кемтик ёки бўм-бўш калла билан кириб бормоқчимисан?

Кўпларингиз жиллақурса, бир кун келиб сизга отангиз

намуна бўлганидек, сиз ҳам болаларингизга ҳар томонлама ибрат бўлишингиз кераклигини ўйлаб кўрганмисиз? Бир кун келиб, сиздан болангиз бирор нарсани тушунтириб беришни сўраса, китобдан ўқиб ол, деб жавоб берасизми? Ё, билмадим, деб елка қисиб қўя қоласизми. Яна сиздан "нуфузли" даргоҳда ўқиган бўлсангиз-да оддий нарсаларни ҳам билмас экансиз деса, нима деган одам бўласиз. Ахир бу уят эмасми? Бу бир жиҳати. Иккинчи томони, сиз муҳими келажаги порлоқ мамалакат бунёдкорисиз, эртага бизнинг ўрнимизни босишингиз, савобли ва бунёдкор ишларни давом эттиришингизга тўғри келади. Келажакни барпо этиш учун эса, "сиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишингиз шарт". Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, илм тўғри йўлга раҳнамолик қилиб, дунё ва охирада масъул бўлишимизга сабаб бўлур.

Президентимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари китобида, бизни янги асрга қандай камчиликлардан қутулиб, қандай яхши фазилатларни олиб ўтиш кераклиги ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга чорлаганди. Сиз ҳам бу китобни ўқиб чиққансиз.

Маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, ошна-оғай-нигарчилик, тараққиётимизга зарпечакдек ёпишиб олиб, униш ва ўсишга қўймайдиган зараркунанда иллатлардан бири. Тасаввур қилинг, абитуриентлар омади чопиб ўқишга кирдилар, баъзи бирларининг баданида "бузғунчилик" борки, "ўзиники"ларни, ажратиб ола бошлайди. Одам ажратмайдиган мўмин-қобил талабани ҳам ўз сафига тортади. Бу ёмон одатга йўл қўйиб бўлмайди.

Ахир, бир Ватаннинг фарзандларимиз-ку?! Ватандош бўлгандан сўнг, у қайси тумандан ёки вилоятдан эканлигининг нима фарқи бор. Наҳотки, онгу руҳиятимиз ҳалигача шу чиркин "одат"дан қутулмаган бўлса? Бунинг ўрнига "бир ёқадан бош чиқариб", ака-укадек аҳил-иноқ бўлиб, биримизнинг ютуғимиздан иккинчимиз қувониб, бир-биримиздан ўрганиб, илму маърифатнинг юксак доvonлари сари интилсак кони фойда эмасми?

Юртбошимиз айтганидек, "Инсон ўзини аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина хоразмлик,

самарқандлик ёки Фарғона водийсининг аҳолиси деб ҳис қилиши лозим. Бу ҳол ҳар биримиз мансуб бўлган "мўъжаз Ватан"нинг, одам туғилиб ўсган жой, ўлканинг қадрини ва аҳамиятини, унинг турмуш тарзи ва ўзига хос қадриятларини асло камайтирмайди".

Маҳаллийчилик — бу бизнинг оёғимиздан чалиб, борингки, онгу шууримизни заҳарлаб жарга қулатадиган иллат. Кореялик, еврей, немис ёшларининг ичига кириб, уларни кузатдим. Уларда умуман маҳаллийчилик йўқ. Ҳатто ўзининг укаси бўлса ҳам билим ва илмда рақобатлашади. "Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама" деганларидай, талаба тиришқоқ бўлмаса ўз-ўзидан четга сурилиб қолаверади.

Ёшларимиз орасидаги мавжуд маҳаллийчилик содда қилиб айтганда, ўзбек миллатига хос бўлмаган ўта зарарли иллатдир.

Онги тиниқ талаба бу иллат билан "дўстлашмайди". Қайси вилоят бўлишидан қатъий назар яхши инсон билан дўсту ўртоқ бўлади. Бир-бирининг яхши-ёмон кунига ярайди. Мен шундай гуруҳ талабаларини ҳозирги кунда жуда катта раҳбарларни биламан. Уларга ҳавас қилиш керак. 44 йил давомида бир-бирларидан хабар олиб турадилар.

### Таъмагирлик — иснод

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: таъмагирлик тўғрисида ўтказилган аноним сўровларда айрим талабаларимиз баъзи домлаларнинг "таъмагирлиги" ҳақида ёзиб беришади. Республикада бу иллатга қарши кураш кетаяпти. Мени қийнайдиган яна бир нарса бор, домла таъмагирлик қилибди, нега ўз вақтида билими бор талаба хабар қилмайди? Кўрқади... Айтса, кейин баҳо ололмайди. Махсус "гуруҳ" зумдан уруш эълон қилади. Йўқ-йўқ. Муаммонинг бир учи домлага бориб тақалса, бир учи талабага бориб тақалади. Қарс икки қўлдан... Ўқишни хоҳламайсиз, билимингиз паст. Домлани айбини бориб айтсам, нуфузли комиссия имтиҳон олса, "йиқилишингиз"дан кўрқасиз. Айрим домлалар ҳам ноинсоф. Садақага қўл очган тиланчига ўхшайди. Бу иллат ўқитувчилик шарафли касбига "бошдан оёқ" исноддир. Педагоглик касбининг асосий мезони ҳалоллик эканлигини наҳотки унутиб қўйдик. Бутун дунёда педагог билим бериб пулини ҳалоллаб олади.

Фахриддин Али Сафий "Рашоҳат" асарида ёзади. Устоз Хўжа Аҳрор Валий умрлари ҳаргиз кишидан, у шогирд бўладими, яқин оғайними, ҳеч кимдан ҳадя ва туҳфа қабул этмадилар, таъма қилмадилар. Мавлоно Аҳмад Коризий (алайҳирраҳма) азиз киши эрди. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин вафотидан сўнг ўз қўллари билан оқ қўзи юнгидан йигириб, нозук ва ҳарир қилиб тўн тикиб Кориз вилоятидан Самарқандга туҳфа тариқасида юбордилар ва илтимос этдиларким, Ҳазрати Эшон они кийсунлар. Устозга бу туҳфа етиб келганда, у киши ҳадяни қайтардилар. "Бу тўнни кийсак бўлур ва лекин ондин садақа ва таъма иси келур. Бир умримизда ҳеч кишидан бир нимарса қабул этмадик. Ҳеч кимдан таъма, умид қилмадик. Хизмати Мавлавийга биздан узрхоҳлик қилинг,"—деб ул тўнни яна неча банд қоғоз билан Коризга, жўнатиб юбордилар. Кўриниб турубдики, устозликнинг энг юксак фазиляти ҳалолликдир. Азиз устозлар Хўжа Аҳрор Валийдан ибрат олайлик. Ҳаром Луқманинг касри мингта дейишади. Ривоятларда ёшлишича, бир Шайх ўз фарзандига яхши тарбия берса-да, бузуқ хулқли, ичкиликка ружу қўйган, беодоб йигит бўлиб вояга етибди. Нега бундай бўлганига шайхнинг боши қотибди: "Аллоҳга нима ёқмаган томоним бор эди, у нури дийдамдан қайтди"—деб ўйлаб ўйининг тагига етолмабди. Ёшлигида фарзанди кўшнининг уйдан ул-бул егани эсига тушибди. Бориб кўшнидан сўраса, ўша егуликлар ҳаром йўл билан топилган луқмалар экан. Қиссадан ҳисса шуки, ҳаром луқма оиланинг ҳам, ишнинг ҳам баракасини учиради. Қолаверса, ҳадислардаги: "Пора берувчи ҳам, ўртада турувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир," деган ҳикматларни унутманг.

Баъзан ҳалол домлалар олдига декан, домла ёки таниши келади, ўғли ёки жияни у дарс берадиган гуруҳда ўқишини, унга дуруст баҳо қўйиб беришни илтимос қилади. Гоҳида ўзбекчилик қиламиз. Икки орада бечора ўқитувчи ёмон отлиқ бўлиб қолади. Азиз таниш-билишлар, сиз фарзандингизга яхшилик қиляпман деб уни билимсизлик ботқоғига ботириб қўяпсиз-ку ахир! Мутахассислик фанлари у ёқда турсин, "маънавият" сўзининг маъносини билмайдиган болангиздан етук инсон чиқармоқчимисиз?! Таниш-билишчилик ёки қуюқ илтимослар ёшларни ўқиб-изланмайдиган ялқов-дангаса,

энг ёмони саводсиз ва илмсиз бўлиб "вояга етишига ҳисса қўшмаётганмикин?" Мен аниқ биламан: ўзимиз ўз илдизимизга билиб туриб болта ураяпмиз.

Умаршайх Мирзо ўғли Бобур Мирзони устоз қўлига топширганда, устозга "эти сизники, суяги бизники" деб айтган. Бугун билимини унга ўргатишини буюрган. Зинҳор-базинҳор ўз мансабидан фойдаланиб, "ундан ўз вақтида сўрамай-нетмай юқори баҳо қўйиб беришни сўрамаган. Бундан нима наф? Фарзанд билимдон бўлиб улғайса, ўзига ҳам, ота-онасига ҳам, Ватанига ҳам фойдали-ку? Бугун атрофимиз ва қилаётган ишимизга кўзимизни очиб қарайлик, ўзимизни ўйламайлик. «Менга нима!»—деб йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам қўл силтаб кетмайлик. Уларни бартараф қилиш ва обод юрт, порлоқ келажак барпо этиш ҳар биримизнинг қўлимизда-ку?! Ўша билмайдиган талабани ҳам ёнингизга ўтқазиб, секин-аста билим бера бошласангиз, уялганидан ҳам ўқий бошлайди ва қарабсизки, билим ҳам пайдо бўлади. Дилингиз ҳам равшан тортади. Сиздан яхшилик қолади.

### Камолотга устоз йўлланмаси билан

Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий ("Бўстонул орифийн"да) илм йўлига кирган талаба одобининг тўрт жиҳатига урғу беради:

- илм олиш билан жоҳилликдан чиқишни ният қилиш;
- илми билан халққа фойда келтиришни исташ;
- таълим олиш билан илму фан ривожига ҳисса қўшиш, уни янада ривожлантириш;
- ўз илмига амал қилиш;

Талаба илм билан бирор-бир кишига озор беришни кўзламайди. Бордию, ана шундай қилса, илмнинг баракаси кўтарилади. Қолаверса, таҳсил жараёнида бахиллик қилиш ярамайди. "Бахилнинг боғи кўкармас"—деган нақл бор. Талаба хасислик ёки ҳасад кўчасига кирмасдан, ўзи билган илм билан дўстларига ёрдам бериши, қолаверса, ўзидан кучлироқ тенгқурларидан сўраб ўрганиши мақсадга мувофиқ.

Абу Лайс Самарқандий талаба, энг аввало илмни ҳурмат қилиши лозим, дейди. Ҳурмат, эътиқод ва ихлос билим ва меҳнат билан уйғунлашиб, талабани юксак довлар сари етаклайди.



Абдуллоҳ ибн Аббос илмга умрини бахшида этган талабада қуйидаги беш хусусият бўлсин, дейди.

- сўровчи тил ва ақл;
- ақлли қалб;
- малол келмайдиган юрак;
- меҳнаткаш қўл;
- софдил ва қуйинчак устозга ихлос.

Талаба устозини ҳурмат қилса, илмига барака келади. Аксинча бўлса, олинган таҳсил зое кетиши ҳеч гап эмас. Абу Лайс Самарқандий ёзади: "Ва яна таълим олувчида учта хислат бўлиши лозим, шунда устознинг сўзидан фойда олади. 1) нафсида тавозелик; 2) илмга ҳарислик; 3) устозларни ҳурмат қилиш. Шунда тавозелиги туфайли илм фойда беради, ҳирси билан илмни талаб қилиб олади, устозни улуғлаш билан уламоларга боғланади.

Фаробийнинг фикрича, "Ҳар кимки илму ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, ахлоқ-одобли бўлсин, бир сўзли, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун-қоидани билсин, билимдон ва нотик бўлсин, доно ва устозларни ҳурмат қилсин, илм ва ақли илмдан мол-дунёсини аямасдан, барча моддий нарсалар тўғрисидаги билимга эга бўлсин". Абу Наср Фаробий ҳар бир талабага илм довопларида одимлаш, ҳаёт тарзи ва нарсалар-ҳодисаларни билиши учун ўқитувчи, яъни устоз кераклигини айтади. Албатта, устозсиз шогирд ҳар мақомга йўрғалар. Мирзо Улуғбекнинг фикрича, ёшларнинг илмга иштиёқсизлигига устознинг нодонлиги, таълим ва тарбия усулининг нотўғрилиги сабабдир. Устоз дарсни қизиқарли ўтмаса, шогирдларда билимга қизиқиш сўнади. Устоз биринчи навбатда ўзини тарбиялаши, юксак билим ва малакага эга бўлиши, ўз устида тинмай ишлаши заруриятдир.

Жалолиддин ад Довоний устозларни "маънавий ота" деб атади. Таълим беришдек жуда мураккаб жараён устоздан қатъият ва сабр-матонат талаб этади. "Ота фарзандини жисмоний жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, устоз унинг тарбиясини камолотга етказди. Устознинг отадан юқори эканлиги ҳам шунда"—дейди мутафаккир.

Юнон файласуфи Платон таълим-тарбия ҳақида сўз юритар экан, устоз фанларни (илмни) болаларга зўрлаб эмас, балки, осон йўл билан ўқитиши лозим, дейди.

"Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизни илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидан". Платон айтмоқчи, ота-она ва устозлар ёш авлод уларданда, кўпроқ билимли ва тарбияли бўлиши учун шарт-шароит яратиб бермоғи лозим. Устоз ўз билганларинигина ўргатиш билан чекланмасдан, шу соҳада кўпроқ маълумотларга эга бўлиши учун талабани муайян мақсад сари йўналтира олиши лозим. Рим файласуфи Квинтилиан, "устоз ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлсин. Токи бу борада шогирди берган савол жавобсиз қолмасин"—дейди.

Устозлик шартлари қуйидагилардир:

— шогирддан ҳақ талаб қилмаслиги, устозликдан мақсад пул топиш эмаслиги, бориға шукр қилиши, шогирдлар таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланиши;

— доимо пок, соф ва озодалиқда шогирдларга ўрнак бўлиши;

— таълим билан тарбияни қўшиб олиб бориши, насиҳатни қанда қилмаслиги;

— шогирдларни бир кўзда кўриш, уларга бирдай муомала ва адолат қилиш;

— уларни зинҳор-базинҳор урмаслик.

Азиз талаба! Юқорида сизга "илм ва ахлоқий камолотга йўлланма ва кўмак берувчи маънавий устоз бурчлари, вазифалари ва мажбуриятини кўриб чиқдик. Содда қилиб, аллома Каменский таъбири билан айтганда, сиз этагидан тутган маънавий устоз ўз ишининг устаси, ўқитиш санъати билимдони, ташқи кўриниши, маънавияти, хулқ-атвор жиҳатдан шогирдларга ўрнак, соф виждонли, касбини севадиган, билим ва маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб борадиган, том маънодаги зиёли бўлиши керак".

## Панднома

### Луқмони Ҳакимнинг ўғлига насиҳатлари

-Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсингни куйига кирма, уни қийнашни энг улуг йўл деб бил, топганингга қаноат қил, керагидан ортиқча топишга интилма, таомдан очу, ҳикматдан тўқ бўл, одамларга

қўполлик қилма, оғзингга нима келса гапираверма, ана шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенда йўқ сифатлар билан сени мақтаса, алданма!

Эй ўғлим, нима гапирсанг ҳикмат ва насиҳатлардан гапир, гапирган гапларингга, аввало, ўзинг амал қил, ўз касбинг ва мартабангга яраша гапир, одамларни ғазаб пайтида сина, дўстларни эса бошингга кулфат ва мусибат тушганда сина, доимо ёқимли ишларни амалга оширишга урин, гап гапирсанг далил ва ҳужжат билан гапир, ёшлигингни ғанимат бил, доно кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, дўстларингни ҳурмат қил, одамларга очиқ юзлилик билан боқ!

Эй ўғлим, ота-онангни доимо ҳурмат қилиб, хизматида бўл, устоз ва муаллимнингга жону дилингдан эҳтиром кўрсат, ота-онадан ҳам ҳурматлироқ деб бил, барча ишларда ўргача йўл тут, киришга қараб чиқим қил, саҳий бўл, меҳмонни эъзозла, унга тилингни эҳтиёт қил, душмандан бир лаҳза ҳам ғофил бўлма, кам тамаъ бўл, бирор гапни гапиришдан аввал унинг жавобини беришни ўйла, боқил ва лакабур кишилардан узоқ бўл, қаноатни ҳақиқий бойлик деб ҳисобла!

Эй ўғлим, доимо илм қидирувчи бўл, қайсар бўлма, ўз айтганигда туриб олма, ўзгалар гапини ҳам эътиборга ол, муроса йўлини тут, ҳамиша одамлар ичида бўл, улардан ажрама, кексаларни ҳурмат қил, барчани эҳтиром билан тилга олгин, кимнинг тузини тотган бўлсанг, унинг ҳақини адо қилишни унутма!

Эй ўғлим, уст-бошингни тоза тут, ким билан гаплашсанг унинг ўзига лойиқ бўлган суҳбат қур, сўзни юмшоқ ва оҳиста гапир, сўзлаётган вақтингда бир кишига қараб гапираверма, ҳаммага назар сол, кам емоқ ва ухламоқ сенинг севган ишинг бўлсин! Ўзингга нимани раво кўрсанг, уни ўзгаларга ҳам раво кўр, қилган ҳар бир ишинг эса ақлу ҳикмат юзасидан бўлсин! Ўзинг яхши билмаган ва ўқимаган ҳолда бировга ўргатма ва устозлик қилма!

Эй ўғлим, сир сақлай билмайдиган кишиларга, айниқса, болаларга сир айтма; ҳамма ҳам яхшилиқ қилади, деб ўйлама; кишини нокас ва бахил эканини билсанг, ундан яхшилиқ чиқади, деб хаёл қилма; бировнинг ҳожати тушиб олдингга келса, ноумид қилиб қайтарма; ўзингдан катталар билан ҳазиллашма; уйда бор нарсаларингни душман кўзидан яширин тут; ўз ака-укаларингни ҳурмат қил!

Эй ўғлим, бир кўришдаёқ синамай туриб, бировга кўнгил қўйма; ўз қадрини билмайдиган кишилардан яхшилик умид қилма; офтоб чиққунча ухлама; ҳадеб кулаверма; бадном кишиларга суҳбатдош бўлма; кексалар ва улуғ кишилар олдига тушиб олиб, улардан илгари юрма; одамлар гаплашаётган пайтида уларнинг сўзини бўлиб, гап солма; меҳмоннинг олдида бировга ғазабингни сочма; бошингни эса қуйи солмасдан ўтир!

### **Афлотуннинг шогирди Арастуға насиҳатлари**

У қуйидагича буюради:

— Ҳамма илм пайидан бўлиб, қалбинг ҳам кўзинг ҳам доимо бедор бўлсин, уйқу ва оромни ўйлаб бутунги ишни эртага қолдирма, уйқуга ётишдан олдин ўтказган кунинг ҳақида сарҳисоб қил, шу кун сендан қандай хато содир бўлди ёки шу кун сен яхши нарсалардан нимани ўргандинг, шу ҳақда ўйла. Бадбахт шундай кишики, ишининг оқибатини ўйламайди, гуноҳ ишлардан ўзини тиймайди. Дунёда лаззат топса, боши осмонга етиб шод бўладиган, бирорта қайғуга дуч келса ҳаммадан кўра кўпроқ фарёд кўгарадиган олимни олим деб ҳисоблама. Барчани бирдек сев, сержаҳл бўлма, жаҳлингни сочаверсанг, бора-бора у сенинг одатингга айланиб қолади. Бугун биров сенинг олдингга муҳтож бўлиб келса, унинг ҳожатини чиқаришни эртага қолдирма. Бирор киши бирорта балога дучор бўлса, унга кўмак қўлини чўз, ҳар кимнинг гапини тўғри ёки нотўғри эканини билмай туриб, текширмай туриб, ҳукм чиқарма. Дунёда ҳикматдан фойдалироқ нарса йўқ. Донишманд шундай кишики, унинг сўзи билан қиладиган ишлари бир бўлади. Қайси ишда бўлмасин сусткашлик қилма, яхшилик қилишда чегара бор деб ўйлама! Донолар ҳикматини ол; мол-дунё ҳирсини кўнглингдан қув; ёқимли одоблардан кўз юмма; барча ишларингни ўз ақлингга қулоқ солиб, чамалаб, сўнг амалга ошир.

### **Арастунинг Искандарга пандномаси**

— Эй Искандар, дилингни илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан суҳбат қурма, умрингни беҳуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма, сийнангни гина-қудуратдан холи тут, бировга

нисбатан гина сақлама, ёмонлик қилишдан қоч, яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳадялар билан сарафроз қил, тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон аҳён-аҳёнда зарар етказади, аммо зарари ҳалокатли бўлади.

Эй Искандар, биров билан маслаҳатлашадиган бўлсанг, ақлли ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш, олийҳиммат кишилардан ёрдам сўра! Ҳар бир масалани дахли бор одамлар билан биргаликда ҳал қил, пастҳиммат кишилардан ҳеч вақт яхшилик ҳосил бўлмайди.

Эй Искандар, қўпол кишиларга қўполликни "ҳадя" қил, куч ва тадбир билан қўлга тушириб бўлмайдиган душманни мулойимлик ва ширин сўзлик билан ўзингга мойил эт, бирор ерга элчи юбормоқчи бўлсанг айтмоқчи бўлган масалангни чуқур биладиган ва шу масалада билимга эга бўлган кишини юбор, акс ҳолда ишларинг бузилади.

Эй Искандар, мақтовларга учма, қўли очиқ ва саховатли бўл, бирор ерга етсанг, у ердаги синалмаган сувлардан ичма, бирор ерда нотаниш мевага дуч келсанг, унинг фойда, зарарини билмай туриб ема!

Эй Искандар, сафар ва саёҳатта чиққанда шунчалик юк олгинки, уни кўтариб юришдан ўзинг безор бўлмагин, бунинг устига кучдан ҳам қолмагин. Шароб ичишни одат қилмаки, у беҳушлик ва гофилликка олиб боради. Ўзингга садоқатли ва вафоли кишиларни ҳамиша азиз тут. Қийинчилик онларида ўзингни маҳкам тут ва умидсизликка тушма. Кимки, бировларга ситам қилаверса, ўзи ҳам узоқ яшамайди. Биров сенга ситам қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг, ҳар икковини ҳам унут. Тунда берилиб ухлаб, ғафлатда қолма, тун бедорлигини ўзингга давлат деб бил. Муродингга етган вақтларингда ханда уриб кулмаки, атрофда турганларга хунук кўринади. Агар иш аксинча бўлса, ғамгинлигингни бировларга билдирма. Бировдан кўрқадиган ва жангда енгилиб қочган кишилар билан ҳамроҳлик қилма!

### **Абу Ханифанинг ўгли Ҳаммодга насиҳатлари**

— Эй бўтам! Аллоҳ сени рушди ҳидоятга бошласин ва сенга у доимо мададкор бўлсин! Мен сенга панду насиҳат

қилмоқчиман. Менинг ўғитларимни хотирангга сақласанг ва кулоғингга қуйиб олсанг, дининг ва дунёинг йўлида сенга иншооллоқ бахту иқбол ёр бўлишини тилайман.

1. Аллоҳдан қўрқиб, жисмингдаги барча аъзоларни гуноҳу маъсиятдан сақлаган ҳолда унга бандачилик қил!

2. Эҳтиёжинг тушадиган илмни ўрганишдан ўзингни олиб қочма!

3. Дину дунёинг йўлида асқотадиган кишилар билангина ошначилик қил.

4. Нафсингдан ҳаққингни ол. Зарурат бўлгандагина унга инсоф қил.

5. Муслмонга ҳам, зиммийга ҳам душманчилик қила кўрма!

6. Аллоҳ берган ризқу рўзингга қаноат қил!

7. Бошқаларга муҳтож бўлмаслигинг учун қўлингдаги бор бисотингдан тadbиркорлик билан фойдалан!

8. Одамлар сенга таҳқир назари билан боқишларига сабабчи бўладиган юмушни қилма.

9. Эҳтиёжингдан ортиқча бўладиган нарсаларга берилишдан нафсингни тий!

10. Одамлар билан учрашганингда гапни салом беришдан бошла, сўзлаганда майин ва мулойим сўзла, яхшиларга ёқимли бўл, ёмонлар билан муросою мадора қил!

11. Душманларингдан кўра ҳам дўстларингдан эҳтиёт бўл. Одамлар орасида фиққу фасод зиёда бўлган вақтида душманинг дўстингдан фойдаланиши мумкин.

12. Сиру асрорингни, моддий имкониятингни, мазҳабингни ва борар жойингни махфий тут!

13. Қўшничиликни яхши қил ва қўшнингдан келадиган азиятларга сабр бардошли бўл.

14. Аҳли Суннат вал Жамоат йўлини маҳкам тут, залолат ва жаҳолат аҳлидан ўзингни четга ол!

15. Барча ишларингда холис ниятли бўл, ҳар бир ҳолатда ҳам фақат ҳалол нарсаларни истеъмол қилишга жидъу жаҳд қил!

16. Беш юз ҳадис орасидан танлаб олганларим бўлмиш қуйидаги беш ҳадисга амал қил:

а) барча ишлар, албатта, ниятга боғлиқ бўлади. Ҳар бир кишининг яхши ният қилгани яхши.

б) кераксиз нарсалар билан шуғулланмаслик кишининг диёнати ҳуснидандир.

в) ўзи ҳуш кўрган нарсани бошқага ҳам раво кўрмаган банданинг иймони баркамол бўлмайди.

г) ҳалол ҳам маълум ва ҳаром ҳам маълум. Аммо улар ўртасида шубҳали нарсалар ҳам мавжуд. Кўпчилик уларни билмайди. Улардан ўзини сақлаган банда динини ва шарафини ҳимоя қилган бўлади. Улардан ўзини тиймаган банданинг ҳаромга ўтиб қолиши ҳеч гап эмас.

д) бировларга тили ва қўли билан озор етказмайдиган мусулмон ҳақиқий мусулмондир.

### **Алишер Навоийнинг Бадиуззамон Мирзога насиҳатлари**

Муқаддас ҳадисда айтиладики, "ҳар бир киши Тангрига бўлса, тангри у кишига бўлур" ва Тангрига бўлмоқнинг маъноси деб шуни айтадиларки, Тангри таолонинг буйруқларига амал қилинмай ва маън этган ишларидан сақланилмай. Тангри таолонинг бу одамга бўлишининг маъноси деб шуни айтадиларки, банданинг ҳар қандай муроди мақсади бўлса Тангри таоло уни ҳосил қилмай ва барча офату балодан сақламай. Шундай экан, ҳар бир инсон шунга риоя қилса муроду мақсади ҳосил бўлиб, офату балоларга учрамайди. Аллоҳнинг буйруқлари билан иш тутиб, унинг қайтарган ишларидан ўзини тийиб юриши керак. Оламда ҳеч инсон йўқки, турли мақсади бўлмасин ва ўзини балоларга учрамаслигини тиламасин. Аммо, ҳар кишининг муроди қанча кўп бўлса, Худонинг буюрган ишларига кўпроқ итоат этса керак, айниқса султонлар. Бир гадоким, тилаги бир дирам кумуш танга, ё бир подшоҳким, мақсади бир иқлимни қўлга киритиш — иккаласининг Аллоҳга эҳтиёжлари бор, аммо орзу қилаётган нарсаларида тафовут кўпдир. Шундай бўлгач, Тангрига итоат қилишда ҳам тафовут бўлиши керак.

Гапни бу тарзда бошлашимиздан мақсадимиз шуки, Султонлар Аллоҳнинг мумтозроқ ва азизроқ бандаларидир, эҳтиёжлари ва муддаолари бошқа одамларга қараганда кўпроқдир.

Шундай бўлгач, уларнинг Тангри таолога эҳтиёж ва хокисорликлари ҳам, ишлари ва итоати ҳам кўпроқ бўлиши керак ва итоатда бўлишликнинг барчасини пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ўз шариат йўллари билан

муқаррар этиб қўйибдилар. Ҳар бир киши шариат йўлида қатъий бўлса, Аллоҳ билан пайғамбар (с.а.в)га тобеъроқ ва муроди ҳосилроқ ва балолардан омонроқ бўлади.

Пайғамбар (с.а.в) буюрибдиким, Тангри таоло розилиги ота розилиги билан боғлиқдир ва Тангри таоло ғазаби ҳам ота ғазаби билан боғлиқдир. Шундай экан, инсон ота розилигини ҳам ҳосил қилган бўлиши керак ва ота ғазабига учраса, Аллоҳ ғазабига учраган бўлади, шундоқ бўлгандан кейин одам нечук ота розилигини қайтаргай, ё унга қарши қадам босгай. Ва шайхлар сўзидурким, "Волидука - Раббука", яъни отанг — Парвардигорингдир. Шу жиҳатданки, Тангри таоло сени йўқдан бор қилишида сабабчи у ва болалиқдан йигитлик ёшигача парвариш қилувчи у зот. Ва Ҳаким Сулаймон сўзидурким, ота — қодир қаййум, ано— розиқи масрум. Ва Адиб Аҳмад раҳматиллоҳу дептурким:

Атодин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато доғи ато,  
Атовнинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин кутгаргай худо.

Иброҳим Ҳалилнинг отаси бут йўнувчи уста Озари эди. Иброҳим Ҳалил отасига насиҳат қилган вақтда нидо келдиким, таъзим ва мулоимлик билан насиҳат қил. Ва Юсуф алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломга хатолик билан одобсизлик қилгани учун бошқа пайғамбарлардан 70 йилдан кейин жаннатга киришга маҳкум этилди. Ва Хом-Нух а.с.нинг ўғли отасига нисбатан одобсизлик қилди, ул ҳазратнинг дуоси билан ранги қора бўлиб, пайғамбарлик унинг наслидан узилди.

Бу муқаддималардан мақсад шулки, бу бандда доим Сизга давлат ишларига доир фойдали сўзларни айтиб келдим ва Сизни умру давлатдан баҳраманд бўлишингизни Аллоҳдан тилаб, дуолар қилдим ва бирор номуносиб иш Сиз томондан содир этилган ҳолларда ўзингизга буни айтдим, балки китобларимда насиҳатнома тарзидаги шеърлар ёзиб Сизга етказдим.

Шу кунларда Сизнинг тарафингиздан бир неча иш қилинганлиги эшитилдиким, бу ишлар Мирзонинг ҳурмат-эътиборини унутаёзганлигингиздан бўлса керак. Шунга кўра буни Сизга арз қилиш лозим топилди.



Бири шулким, вилоят молини маслаҳатлашмасдан олаётганмишсиз ва бу одатга зиддир, агар сўраганингизда йўқ дейилмас эди.

Яна шулким, ёзибсизки: "Астрободга одам юборманг, бермайман". Бу мазмунни ҳам мулозимроқ ёзишингиз мумкин эди. Ва "Ироқ вилоятларини улашибман" деб ёзибсиз, Худо хоҳласа Ироқ кўлга киритилади. Ҳали кўлга киритилмасдан, Мирзо билан бир-икки марта сўзлашмасдан бу иш қилинса, буни бошқа одам томонидан қилинса, ажабланмаса ҳам бўлар, аммо сиз томондан қилиниши ажабланарлидир.

Булар ҳам ҳеч гап эмас, аммо аркони давлатингизнинг соқолини қирқтирганингиз қабоҳатини агар ўйлаб кўрсангиз, шоядки ажабланарли эканини тушунсангиз. Шариатга риоя қилиб, ўзингиз ҳам соқолни оз ёки кўп қирқмаслигингиз лозим эди. Иш шунгача борганки, халқингизни ҳам соқолини қирқтиргансиз. Бу иш билан боғлиқ кўп гап бор, бироқ айтиш мумкин эмас.

Яна шулким, бир мактубингизни келтирдилар, туғросида Мирзонинг номини ёзмагансиз. Сиздек оқил, хуштабъ, мусулмонваш йигитдан бундай ишларнинг содир этилиши муносибми? Агар буни била туриб қилибсиз, нимага асосланиб қилдингиз. Агар муниш ёки бошқа кишининг хатоси билан қилинган бўлса, қандай қилиб ҳар бир хатни ўзингиз бир кўрмасдан бирор ерга жўнатилади?

Ота билан ўғилдан ота билан ўғил ўртасида фарқлар бор. Бойсунғур Мирзо ўғлонларидан Бобур Мирзодек эмас эдингизки, кўп шафқат кўрмаган бўлсангиз. Улуғбек Мирзо фарзандларидан Абдуллатиф Мирзодек ёки Жаҳоншоҳ мирзо ўғиллари Ҳасаналидек — тенгрилик ўртададир.

Мен сизнинг кўпгина ишларингизга аралашганман, уларнинг кўпидан хабардорман. Сиз доим шаҳзодаларнинг улуғи ва Мирзонинг суюклиги ва кўз қорачиғи эдингиз. Ўзингиз биласизки, Мирзонинг Сизга кўнгли қандайлигини ҳеч ким мендан яхши билмаса керак. (Худо ҳаққи) ушбу ёзганларим ҳам буни кўрсатиб турибди.

Мирзо Астрободни Сизга бериб, яхши навкарларни қўшиб, у ёққа юбордилар, ва бу хабарлар Ироқдан келишини, ва яна кўмаклар келишини орзу қилган эдилар. Ҳам шаҳзодалар, ҳам беклар ва саройдаги мулозимлар ва ҳамда

бошқалар агар Ироқ вилояти қўлга киритилса, Сиз янада улутроқ хизматлар қиларсиз деб ўйлашарди. Ҳалигача ҳеч ерда ҳеч нима йўқ, бунақа ишларнинг бўлиши Сиздан хайфдир.

Мирзо Темурбекка тўртинчи авлоддир. Мирзо хутбада унинг отига ва шариф руҳига ҳар жумада жомеъ масжидида дуо қилдирадилар. Бу ишда Мирзонинг ҳам қўлидан яна бошқа нима ҳам келарди. Сиз бўлсангиз мактубингизнинг туғросидан Мирзонинг муборак исмини чиқариб ўтирибсиз. Агар Мирзони заиф деб хаёл қилган бўлсангиз, Тангри таоло қудратлидир.

Фарзанд отасининг заифлик чоғида хизмат вақтини топдим, деб жонкуярлик қилиши керак.

Биллоҳ Мирзонинг азиз боши ва Сизнинг азиз бошингиз омон бўлсинки, бу нома битилган вақтдан йигирма кунча аввалдан бери эртадан тушгача, пешиндан оқшомгача тахтда ўтириб, шунақа ишлар қиладиларки, неча девон, неча нависанда, неча бахши, неча парвоначилар ўлар ҳолатга етиб, юз хийла билан кутуладилар. Бу маънидан фарзанд Мавлоно Дарвеш Муҳаммад хабардорлар. Шу аҳволда ҳамма ўз иши билан бўлиб, қиладиган юмушларини бошидан охиригача етказадилар. Агар илгаридан шундай бўлганда эди, нима ишлар бўлмаган бўларди.

Сиздек соҳиб давлат мендек салотин мушфиқ ва давлатхоҳ қулларининг беғараз маслаҳатларимга амал қилиб келдилар. Ўзингиз биласизки, Мирзо ҳузурда (Сиз учун) қанақа илтимосларни қилмадим. Ўзингизнинг иштирокингизда ҳам бир неча бор шундай бўлган. Умрингиз узоқ бўлсин, менинг сўзларимни камдан-кам рад қилгансиз. Энди менинг жоним куйганда бошқаларнинг этаги ҳам куймайди. Мана шу гапларни Сизга айтишга жазм этдим, қабул этарсиз деб умид қиламан. Қабул этмагудек бўлсангиз, мен айтишим жоиз бўлган гапларни бўйнимдан соқит этган бўламан.

Тангри таоло шоҳид — бу нома Мирзо буйруғи билан эмас, балки у кишининг хабарлари ҳам йўқ. Хаёлингизга келмасинки, ушбу мактуб буйруқ билан ёзилган, деб. Чунки, Сизнинг ҳузурингизда давлат ишларига тегишли бўлган сўзларни айтишим буюрилган. Шунга кўра ушбу номани ёзишга жазм этдим".

## Севимли азиз фарзандга насиҳат

*Абдурахмон Жомий*

Етди ёшим етмишга, сенда энди етти ёш,  
Менинг бахтим қорайди, сенинг иқболинг қуёш.  
Ачинаман шунчаки, умрим ўтиб кетибдир,  
Паришонман қанчалаб ою йиллар етибдир.

Арзигулик бирор иш қилолмадим, вақт ўтди,  
Тикандан ортиб бир гул узолмадим, вақт ўтди.  
Кетди дариғо қўлдан, у фурсат қайтиб келмас,  
Ихтиёринг тизгини қўлга қайта илинмас.

Сенда куч бор, билак бор, дам фанимат ғайрат қил.  
Бошда ёшлик соябон, унинг қадрига еттил.  
Бир иш қилғилки ундан элга етсин маърифат,  
Охирида у ишинг сенга келтирсин роҳат.

Ҳаммадан аввал, фарзанд, билимдан бахраманд бўл,  
Нодонлик юртидан чиқ, билим томон олгил йўл.  
Ҳар бир к лшига бу сўз, ойна каби аёндыр,  
Доно тиряк ҳамиша, нодон ўликсимондыр.

Мардоналикни кимки, даъво қилар экан ҳам,  
Нега ўзини айлар у мурдаларга ҳамдам?  
Илм йўлига қадам қўй, чунки шу йўл фаровон,  
Аммо умрингнинг йўли ғоятда қисқа бир он.

Ҳеч бир кишига бўлмас қайта яшаш муяссар,  
Эгалла сен билимни, мангу турар муқаррар.  
Билим эгалладингми, унга доим амал қил,  
Илминг амалсиз бўлса, сен они бир заҳар бил.

Фараз қилдик биларсан, ул илми кимёни,  
Зар қилмасанг мисингни, қолмас ишинг нишони.  
Ҳом иш кишига харгиз бир манфаат беролмас,  
Ҳом бўлса, холва ҳам бир касаллик юқтирар, бас.

Ҳар кимки яхшилик-ла айлар сени навозиш,  
Сен они ҳаққига ҳеч кўрма раво ёмон иш.  
Тулки каби агарда, қуйруқ кўриб қувонсанг,  
Кучуксимонлар сенинг ҳолингни этгуси танг.

Ҳар жойда тузки тотдинг, шул тузнинг қадрига ет,  
Туздонга қасд айлаб, этма ўзингни сурбет.

Дўстларга меҳрибону, очиқ кўнгил, сахий бўл,  
Юрма бахиллик сари, будир зарарли бир йўл.

Дўстларга айла доим эҳсону лутфу бахшиш,  
Қарзинг оғирлиги-ла, берма уларга ташвиш.  
Чин дўстга, эй азизим, жонингни сен фидо қил,  
Лекин дўсту душманни бир-биридан жудо қил.

Дўст у киши эрурки, ёринг, ғамхўринг бўлсин,  
Қалби ҳамиша дўстлик ёғдулари-ла тўлсин.  
Тушганда бошга мушкул бўлсин сенга мададкор,  
Насиҳат-ла қайтарсин ёмон йўлдан у зинҳор.

Ёлгон йўлдан қайтарган дўстинг сени қўллағай,  
Ҳамирдан қил суғуриб, яхши йўлга йўллағай.  
Яхши ишда у бўлур, ҳақиқатда сенга ёр,  
Раҳбар бўлиб бу ишга у келтирар ифтихор...

Китобга юз ўғиргин, эй жигарим, фарзандим,  
Китобга улфат бўлгин, кулоққа ол бу пандим.  
Танҳоликда мунисинг, билсанг агар китобдир,  
Доноликнинг тонгига, шуъла сочар китобдир.

Бепул, беминнат сенга устоз бўлиб ўқитар,  
Билим бағишлаб сенга, чигилларингни ечар.  
Китобдир яхши ҳамдам, тери ёпинган олим.  
Иш сиридан гоҳ сўзлаб, аммо гоҳи турар жим.

Унинг ичи ғунчадек, варақлардан лиқ тўла,  
Ҳар варағи гўёки, дурдонадир бир йўла.  
Қасру айвонлари бор гоёят зебо, мунаққаш,  
Унда маскан қургандир неча юзлаб париваш.

Паривашлар ҳаммаси, хушбўй, чиройли, рухсор,  
Бир-бирига ярашган, бир-бирига талабгор.  
Ҳар бир варақ ёпишган, бир-бирига ҳамнафас,  
Варақласанг агарда, ҳар биридан чиқар сас.

Оғиз очиб ҳар бири маърифатдан сўзлашар,  
Ҳар сўзидан юз туман гавҳари маъни тошар.  
Улар гоҳда куйлашур меҳру вафо мадҳини,  
Улар гоҳда шарқ этар сидку сафо мадҳини.

ЗУлар гоҳда айтади, кўхна замон қиссасин,  
Улар гоҳда билдирар келгусининг қиссасин.  
Улар гоҳда тарихдан, очиқ ойдин очар сўз,  
Улар гоҳда келгуси кунлардан кўрсатар юз.

Улар гоҳда ашъордан қалбингни дарё қилур,  
Маориф гавҳари-ла дилни мусаффо қилур...  
Айтмоқ учун сиррингни лабингни очсанг агар,  
Яхши, ёмонлигини ўйлаб, сўнгра қил ҳабар!

Шуни яхши билгинки, гар учса қуш қафасдан?!,  
Қайтиб уни ушламоқ бир ишки мушуқул ҳаддан...  
Бўлса агар замиринг аслида хира-нософ,  
Сен маърифат ҳақида, яхшиси урмагил лоф.

Такаббурлик зиёндир, ундан андиша қилғил,  
Мулойим бўл одамга, камтарлик пеша қилғил.  
Кўрдингми бу бошоқни бош кўтарди на бўлди,  
Ўроқнинг зарби билан ерга йиқилди, сўлди.

Кўрдингми, дон ўзини тупроққа ташлар камтар,  
Уни авайлаб ердан кўтаргусидир қушлар.  
Кимки камтарлик айлар, у деб улуғликка хос,  
Этилган бошни ҳар ким, улуғлайди беқиёс.

Ваъда бердингми, албат, сен ваъдага вафо қил,  
Бевафолк ёмондур, ўзни ундан суво қил!  
Нодонлардек отангнинг кимлигини пеш қилма,  
Ўзинга сен ҳунардан ўзгани ота билма.

Тутун гарчи оташнинг фарзанди бўлса ҳам бас,  
Не фойдаки тутунга, оташ зиёси юқмас?..  
Доно насихатини туткил кулоққа маҳкам,  
Идрок этиб пандини, дардинга айла малҳам.

Наинки, нодонлардек, бир кулоққа эшитсанг,  
Насихатини аммо дарҳол эсдан чиқарсанг.  
Машҳур бир масал бор мазмуни панду ҳикмат:  
Уйда киши бўлганда фақат бир сўз кифоят".

*(Танланган асарлар. Тошкент 1971, 189, 192- бетлар.  
Ш. Шомуҳамедов таржимаси)*

## Хулоса ўрнида

Илмли киши ахлоқли бўладими ёки илмсиз киши ахлоқли бўладими? Бу саволга ким жавоб бера олади? Менимча ёлғиз Аллоҳ! Лекин азиз талабаларим билимга, илмга астойдил ошно бўлганлар, илмсиз яшай олмайдиган олимлар ўта ахлоқли эканлигига асло шубҳам йўқ? Минглаб мисоллар келтира оламан. Шу билан бир вақтда "илм" йўлида юрган айрим кимсалар борки, уларни ҳеч қачон ахлоқли инсон деб айта олмайман. Улар ўз айбларини беркитиш учун илмдан бошларига ғилоф кийиб олганлар.

Мен минглаб ишчи - деҳқонларни биламан, суҳбатидан лаззатланганман, илми жуда юқори бўлмаса ҳам (10-синф ҳажмида) жуда кўплаб бадий китобларни (ҳам Шарқ, ҳам Ғарб адабиёти) ўқиб чиққан, фикр доираси кенг, ўта одоб-ахлоқли. Бундай инсонлар билан фахрлансак арзийди.

Ушбу рисолада Сиз азиз талабаларга ўрнатилган бўлгулик ривоятлар, мутафаккирларнинг фикр-мулоҳазаларини келтирдик.

Қайси йўлдан боришни эса Сиз танлашингиз лозим...

Ният қиламанки, ҳаёт йўлингиз олий мақсадга интилиб яшаш бўлади, яъни халқимга, Ватанимга фойда келтиришим, яъни Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссамни қўшишим керак, деб интилиб яшайсиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. Т: Маънавият. 2003.
2. Абдулла Авлоний Муҳаммад ибн Исмоил ал- Бухорий "Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ" I-II жилд Т: Қомуслар бош таҳририяти. 1997.
3. Абу Исо Муҳаммад ат Термизий. Сунани Термизий. I-жилд. Т: Адолат. 1999.
4. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I-III жилд. Т: Маънавият. 2003.
5. Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоят. I-жилд Т: Адолат. 2003.
6. Авлиёлар Султони. Туронлик валийлар. Т: Янги аср авлоди. 2004.
7. Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий. Бўстонул Орифийн. Т: Мовароуннаҳр. 2003.
8. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т: 1983.
9. Алишер Навоий. Муншаот. Т: Маънавият. 2001.
10. Абдулазиз Мансур. Гуноҳи кабиралар. Т: Мовароуннаҳр. 1994.
11. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. Т: Камалак. 1995.
12. Алийбек Рустамий. Адиблар одобидан адаблар. Т: Маънавият. 2003.
13. Баҳовуддин Балогардон (Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али). Т: Ёзувчи. 1993.
14. Донишманд малика ва унинг минг бир саволи. Т: 1994.
15. Имом Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. I-II китоб Т: Янги аср авлоди. 2004
16. Имом Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. I-IV китоб. Т: Мовароуннаҳр. 2003
17. Имом Бухорий таърифи. Т: Чўлпон. 1996
18. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адабал муфрад. Т: Ўзбекистон. 1990.
19. Имом Зарнужий. Илм олиш сирлари. Т: Мовароуннаҳр. 2004.
20. Исломият ва илм (мусанниф М.Салоҳиддинова) Т: Мовароуннаҳр. 2004.
21. Абдулазиз Мансур. Ислом гиёҳвандликка қарши. Т: Мовароуннаҳр. 2004
22. Имоми Аъзам. Асарлар. Т: Мовароуннаҳр. 2003

23. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мугафаккир ва донишмандлар). I-II китоб. Т: Мерос. 1995
24. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Т: Шарқ. 2004
25. Имоми Аъзам. Ҳаёт йўли ва фикҳ усуллари (З. Қодиров). Т: Мовароуннаҳр. 1999
26. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т: Ўзбекистон. 1997
27. Кайковус. Қобуснома. Т: Мерос. 1992
28. Муҳаммад Шариф ал-Бухорий. Фавоиди Ҳаққонийя. Т: Адолат. 1995
29. Манбаъ ул-маориф. Т: Янги аср авлоди. 2002
30. Машриқзамин-ҳикмат бўстони. Т: Шарқ. 1997
31. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. Т: Шарқ. 2004
32. Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. Т: Меҳнат. 1991
33. Сайфиддин Фаҳриддин ўғли. Аллоҳнинг 77 мўъжизаси. Узоқ умр омиллари ёхуд икки дунё саодатига йўл. Т: Янги аср авлоди. 2002.
34. Сайфиддин Фаҳриддин ўғли. Одамлар огоҳ бўлинглар, балои-офатлардан сақланинглар. Т: 2001.
35. Темур тузуқлари. Т: Ф.Фулом. 1991.
36. Тимоти Ж. Унтер. XXI асрда Ислом Т: Шарқ. 2005.
37. Фарзандлар жаннат райҳонларидир. (Т Хидоятхўжаев) Т: Янги аср авлоди. 2002.
38. Фаҳриддин Али Сафий. Лағофатнома. Т: Ф.Фулом. 1996.
39. Фаҳриддин Али Сафий. Рашоҳат айнил-ҳаёт. Т: 2004.
40. Фаридиддин Атгор. Илоҳийнома. Т: Ёзувчи. 1994.
41. Фаридиддин Атгор. Тазкират ул-авлиё. Т: ЎЗМЭ давлат илмий нашриёти. 1997.
42. Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. Т: Ўзбекистон. 1994.
43. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Т: Мовароуннаҳр. 2004.
44. Шарофиддинов О. Маънавий камолот йўлларида. Т: Маънавият. 2001.
45. Ўқтам Муҳаммад Мурод. Зино исқанжасида. Т: Янги аср авлоди. 2000.
46. Куръони Карим. Маъноларининг таржимаси (таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур). Т: Ислом университети нашриёти 2001.



47. Қодиров С.М. Маънавий устоз ва шогирд масъулияти. Т: Зарқалам. 2006.
48. Қодиров С.М. Илм ва маънавият. Т: Зарқалам. 2004.
49. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Т: Мерос. 1994.
50. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. Т: Янги аср авлоди. 2002.
51. Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ, Марказий Осиёда Ислоҳ маданияти (қисқача маълумотнома). Т: Шарқ. 2005.
52. Холид Расул. Фурқат шеърятдан. Т. 1980.

## М у н д а р и ж а

Муаллифдан .....	3
I БОБ Илм изланг .....	4
Ёшлиқда ўрганган илм-тошга ўйилган нақшдир .....	4
Мустақил ўрганиш усули .....	6
Қирқ фарздан бири .....	7
Саодат йўли-билим билан .....	8
Илм келмайди, унга борилади .....	9
Билим такрорлаш ва қайтариш меваси .....	11
Ахлоқ-сизнинг зийнатингиз .....	12
Илмни офатлардан асранг .....	12
Илм афзалми ё одоб? .....	13
Камолот пиллапоялари .....	24
Ахлоқий маданият - камолот нури .....	25
Ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни биласизми? .....	27
II-БОБ Ватандин яхши ёр ўлмас .....	30
Юракдан бошланадиган туйғу .....	30
Ватан ишқининг қудрати .....	31
Ватанфурушлик-гуноҳи азим .....	32
Ватанпарварми - миллатпарвар .....	32
Муқаддас эътиқодимиз .....	33
Энг кучли таъсир ва тадбир .....	34
Йигит она юрт учун туғилади .....	35
Паҳлавон Маҳмуд қиссаси .....	35
Кўз-кўз қилинмайдиган севги .....	36
Паноқим, саждагоҳим, умидим .....	37
III-БОБ Она тилим .....	40
Миллатнинг руҳи .....	40
Сўз бисотингиз қашпоқми? .....	40
Жозибага бой тил .....	41
Сўзамолик маҳорати .....	42
Она тилини билмай .....	43
Тил ва тафаккур .....	44
Товуш ва ҳарф .....	45
Лотинчага саводингиз қандай? .....	46
Хусниҳат санъати .....	47
IV-БОБ Китобни сев, болам .....	48
Билимнинг жони ва юраги .....	48
Сигарет керакми ё китоб? .....	49
Илм манбаи .....	50
V-БОБ Соғ танда-соғлом ақл .....	53
Соғлом муҳит-соғлом мафкура манбаи .....	53
Соғлом авлод орзуси .....	54
Энг аввало саломатлик .....	55

Тўрт карра йўқ! .....	57
"СПИД"га йўқ! .....	58
Гиёҳвандликка йўқ! .....	60
Ичишга йўқ! .....	61
Чекишга йўқ! .....	64
VI-БОБ Ўз-ўзингни ислоҳ қил .....	66
Юқумли ишлат .....	66
Таъмагарчилик-иснод .....	69
Камолотга устоз йўлланмаси билан .....	71
<b>ПАНДНОМА</b> .....	73
Луқмони Ҳакимнинг ўғлига насиҳатлари .....	73
Афлотуннинг шогирди Арастуга насиҳатлари .....	75
Арастунинг Искандарга пандномаси .....	75
Абу Ханифанинг ўғли - Ҳаммодга насиҳатлари .....	76
Алишер Навоийнинг Бадиуззамон Мирзога насиҳатлари .....	78
Абдураҳмон Жомий. Севимли азиз фарзандга насиҳат .....	82
Хулоса ўрнида .....	85
Фойдаланилган адабиётлар .....	87

## Таклиф ва мулоҳазалар учун

**С. Қодиров**

**«Билим, илм, ахлоқ»**

Ношир  
Масъул муҳаррир  
Муҳаррир  
Техник муҳаррир  
Саҳифаловчи

*Рустам Рўзमतов*  
*Ҳалима Хўжаева*  
*Рустам Обид*  
*Васила Ҳидоятова*  
*Хотам Рўзमतов*

Теришга берилди 20.07.2006 й.

Босишга рухсат берилди 10.08.2006 й.

Бичими 60x84 1\16. Босма табағи 5,75. Timez UZ гарнитураси.  
Буюртма №241. Баҳоси шартнома асосида. Адади 1000 нусха.  
«Zarqalam» нашриёти, Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.

«Принт Медия» масъулияти чекланган жамият  
босмахонасида чоп этилди.